

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:890.322ўзб-8(Самарқандий)

ШИРИНОВА МУБОРАК МАҲМУДОВНА

САЙИДАҲМАД ВАСЛИЙ ВА ЖАДИДЧИЛИК

5A120101-Адабиётшунослик (тиллар ва тадқиқот йўналишлари бўйича)

Магистр

**Академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
ф.ф.н. Ш.АМОНОВ**

ТОШКЕНТ - 2014

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3-7
I БОБ. САЙИДАҲМАД ВАСЛИЙНИНГ ДАВР АДАБИЙ МУҲИТИДА ТУТГАН ЎРНИ	
1.1. Васлийнинг ҳаёти ва фаолияти.....	8-17
1.2. Шоирнинг адабий мероси.....	18-36
II БОБ. ВАСЛИЙ САМАРҚАНДИЙ ИЖОДИНИНГ ҒОЯВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
2.1 Шоир ижодида ишқий, ахлоқий ва маърифатпарварлик ғояларининг акс этиши.....	37-43
2.2. Васлий - зуллизонайн ижодкор.....	44-52
III БОБ. ВАСЛИЙ ВА ЖАДИД МАТБУОТИ	
3.1. Васлий публицистикаси.....	53- 60
3.2. Шоир ижодига замондошлари муносабати	61-68
ХУЛОСА	69-72
ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	73-81

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Аждодларимизнинг асрий орзуси бўлган миллий истиқлолга эришилгандан сўнг, ижтимоий ҳаётнинг кўпгина соҳалари қатори маънавиятга, маданий меросга бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Бунинг натижаси ўлароқ, шўролар даври адабиётшунослигида ҳаёти ва ижодий мероси бир томонлама тадқиқ этилган ёки бутунлай четга суриб қўйилган кўплаб шоиру адиблар ижодий меросини илмий ўрганиш, холис баҳолаш масаласи кун тартибига қўйилди. Юртбошимиз И.А.Каримов томонидан: “Мустамлакачилик ва совет давридаги оммавий катағонлар пайтида зулм ва зўравонлик қурбони бўлган, истиқлол йўлида жон фидо этган аждодларимизнинг ҳурмати ва хотирасини жойига қўйиш, уларнинг эл-юрт озодлиги йўлидаги ишлари, қолдирган меросини излаш ва ўрганиш айнан ана шундай негизда йўлга қўйилгани”¹ алоҳида таъкидланган эди.

Маълумки, ўзбек адабиёти кўп асрлик маданий ва маънавий меросимизнинг ажралмас таркибий қисмидир. У ўзига хос тараққиёт тамойилларига, бой анъаналарига эга. XX аср аввалида бу анъаналар кўп жиҳатдан янгиланди, бойитилди. Халқимизни бу меросдан баҳраманд қилиш мақсадида катта ишлар амалга оширилди. XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек адабиёти, яъни маърифатпарварлик ғоясини кенг тарғиб этган уйғониш даври адабиётини ўрганиш соҳасида ҳам диққатга лойиқ ишлар амалга оширилди. Бу давр мафкурасининг ижтимоий илдизлари, халқни уйғотиш, маърифатли қилиш сари амалга оширилган тадбирлар (янги мактаблар очиш, миллий матбуотни жорий этиш каби), замонавий рух, янгича адабий жанрлар, анъана ва новаторлик муносабати, эстетик қарашлардаги ўзгаришлар, динга муносабатнинг турли кўринишлари каби хилма-хил масалалар изчил ва чуқур ўрганишни талаб қилади. Олимларимиз буни умумий мавзудаги ишларда ҳам, алоҳида олинган ижодкорлар фаолияти, меросини тадқиқ этиш мисолида ҳам ўрганишга интилиб

¹ Каримов И. Юксак маънавият- енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.- Б. 97.

келмоқдалар. Абдулла Авлоний, Сўфизода, Маҳмудхўжа Бехбудий, Фахрий Рўмоний, Тошхўжа Асирий, Зуфархон Жавҳарий, Сайидахмад Ажзий, Абдурауф Фитрат, Сайидахмад Васлий, Иброҳим Журъат, Очилди Мирий, Шавқий, Ноқис каби шоирлар ўзбек ва тожик тилларида ижод қилиб, кадимдан давом этиб келган зуллисонайнлик анъаналарини ривожлантирганлар. Ҳар икки тилда яратилган асарлар ҳам бир-бирига ҳамоҳанг бўлиб, маърифатпарварлик ғояларини тараннум этади. Ўзидан салмоқли адабий мерос қолдирган самарқандлик мударрис Сайидахмад Васлий асарларини илк манбалар асосида ўрганиш, илмий-назарий ютуқларга таяниб тадқиқ қилиш, асарларининг қиёсий-матний тадқиқини амалга ошириш ҳамда холисона баҳолаш ушбу тадқиқот мавзунининг долзарблигини билдиради. Маълумки, Васлий ўзбек ва форс-тожик адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган. У ўз замонасининг машҳур шоирлари Зокиржон Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Камий Тошкандий, Мир Сарвар Ургутий, Ноқис Каттакўрғоний, Салоҳиддин Маҳсум – Салоҳий билан ижодий алоқалар боғлади, улар билан ҳамнафас асарлар яратди, замонанинг долзарб масалаларига муносабат билдирди. Аммо унинг ижоди тўлалигича, ғоявий ва бадий-эстетик тамойиллар юзасидан чуқур ўрганилган эмас. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, мазкур магистрлик диссертациясида шоир яшаган давр ҳаётининг хусусиятлари, миллий мустақиллик ва тараққиёт учун кураш жараёни, давр маърифатпарварларининг миллий мафкура яратиш йўлидаги изланишларини очиб бериш, Васлийнинг ўз даври ижтимоий ҳаётидаги ўрнини тадқиқ этиш, шунингдек, замона маърифатпарварларининг Васлий ижодига бўлган муносабати каби масалаларга ойдинлик киритиш мақсад қилинган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари адабиёти тарихи, жумладан, Васлий ҳақидаги айрим маълумотлар Ғ.Каримовнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” 3-китоб (XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX аср бошларигача)², С.Ражабовнинг “Ислом жадидия ва

² Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. 3- китоб. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1987- Б. 320.

инқилоб”³, Б.Қосимовнинг “Миллий уйғониш жасорат, маърифат, фидойилик”⁴, Б.Қосимов, Ш.Юсупов, У.Долимов, Ш.Ризаев, С.Аҳмедовларнинг “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти”⁵, Р.Орзибековнинг “Ўзбек адабиёти тарихи (Миллий уйғониш даври)”⁶, А.Қамарзоданинг “Тулистони адаб”⁷ каби асарларида учрайди. С.Ҳ.Ҳалимов, Б.Муҳидиноваларнинг номзодлик диссертациясида ҳам XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Самарқандда яшаб ижод этган адиблар, шунингдек, Васлий ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар берилган. Васлий ҳаёти ва фаолияти ҳақида алоҳида мақолалар ҳам чоп этилган. Машҳур шоир Ғафур Ғуломнинг “Мукаммал асарлар тўплами” ўн икки томлигининг XI томида “Сайидахмад уста Саидазимбой ўғли Васлий” деб номланган мақола ўрин олган. Ҳажман кичик бўлган бу мақолада шоир Васлий ҳаёти ва фаолияти ҳақида мухтасар маълумот берилган бўлса-да, аммо шоир ҳаёти ва ижодини одилона баҳолашда дастлабки қадам экани билан қимматлидир. Васлий Самарқандийнинг чуқур тарихий ва маърифий аҳамиятга молик “Назмусилсила” деб номланувчи асари ҳақида олим Н.Комиловнинг “Силсиланинг охирги ҳалқалари”, “Ҳидоятгари роҳи ҳақ” каби мақолаларида айрим фикр-мулоҳазалар баён этилган. Шунингдек, Н.Комиловнинг “Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи” асарида ҳам мазкур масала юзасидан фикр билдирилган. Ж.Мелиқуловнинг “Виждон кўзиға кўзгуи ирфон”, номли мақоласида, “Тухфатул-аҳбоб” ёхуд “Девони Васлий” ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Тадқиқотнинг мақсади. Ушбу тадқиқот ишининг асосий мақсади, Сайидахмад Васлий Самарқандийнинг жаид адабиётидаги ўрни белгилаш, шунингдек, унинг матбуотда чиққан мақолаларини ўрганиш, мавзуга доир манбаларни илмий асослаш, ундаги адабиётга доир матнларни тасниф этиш, Марказий Осиё халқлари ҳаётида, ўзига хос бир босқич саналган

³ Ражабов М.С. Ислом жадидия ва инқилоб. – Душанбе.: Дониш, 1987.- 172 бет.

⁴ Қосимов Б. Миллий уйғониш жасорат, маърифат, фидойилик.- Тошкент: Маънавият, 2002.- 544 бет.

⁵ (Қосимов Б, Юсупов Ш, Долимов У, Ризаев Ш, Аҳмедов С). Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти, – Тошкент: Маънавият, 2004. – 462 бет.

⁶ Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи (Миллий уйғониш даври).- Самарқанд: СамДу, 2003. – 238 бет.

зиддиятли давр адабий ҳаёти хусусиятлари ва анъаналарини шу даврнинг кўзга кўринган зиёли вакилларида бири Сайидахмад Васлий илмий, публицистик ва бадиий ижодининг етакчи ғоявий-бадиий пойдевори кирраларини тўлиқ таҳлил қилиб, ёритиб беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари. Ишнинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилган:

- Васлий Самарқандий яшаб ижод қилган муҳитнинг тарихий, ижтимоий-сиёсий, маданий, адабий ҳаётига баҳо бериш;
- шоир ижодининг ғоявий ва мавзуига кўра тасниф ва таҳлил этиш;
- XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яратилган шоирнинг адабий асарларининг мазмун, ғоя, шакл ва услубий хусусиятларини аниқлаш;
- мавзу талабидан келиб чиқиб шоирнинг туркий ва форсий тиллардаги шеърӣ девонлари матний хусусиятларини очи бериш;
- Васлий ижодида маърифатпарварлик ғоялари ифодаси ҳамда унга давр муносабатини кўрсатиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Сайидахмад Васлий Самарқандий адабий меросини тадқиқ этиш, шеърӣятдаги фалсафӣй, дидактик, бадиий хусусиятларни ўрганиш учун ишда, асосан, шоирнинг “Тухфату-л-аҳбоб”, “Армуғони дўстон” девонлари, “Назму-с-силсила” асари тошбосма нусхаларига мурожаат этилди, шунингдек, “Ойна”, “Ал-Ислоҳ” журналлари, “Туркистон вилоятининг газети” (1903 йилдан 1915 йилгача бўлган сонлари), “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” газеталаридан фойдаланилди.

Тадқиқот методи. Ишни ёзишда қиёсий-тарихӣй, назарӣй таҳлил усулларида фойдаланилди.

⁷ Камарзода А. Гулистони Адаб. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 688 с.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- Васлий ижодини ўрганиш асосида унинг давр адабий муҳитидаги ўрнини белгилаш;
- шоир девонларининг адабий манба сифатидаги ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;
- Васлий қаламига мансуб ижтимоий-сиёсий мавзудаги публицистик мақолалар таҳлили;
- Замондошларининг шоир ижодига муносабати масаласини кўрсатиб бериш;

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Сайидахмад Васлийнинг ҳаёти ва ижоди, унинг ғоявий дунёқараши ва жаҳид адабиётида тутган ўрни магистрлик диссертацияси сифатида яхлит ўрганилди. Шунингдек, ишда шоир девонларининг тузилиши, қамраб олинган шеърӣ жанрлар тасниф этилди, ғазаллар мавзу ва ғоявий йўналишлари бўйича тадқиқ қилиниб, уларнинг бадиияти ўрганилди, шоирнинг маърифатпарварлик ва публицистик фаолияти ўрганилди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мазмуни акс этган иккита мақола нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, олти фасл, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.

I БОБ. САЙИДАҲМАД ВАСЛИЙНИНГ ДАВР АДАБИЙ МУҲИТИДА ТУТГАН ЎРНИ

1.1. Васлийнинг ҳаёти ва фаолияти

XIX аср ўрталарига келиб чор Россияси чекка қўшни ўлкаларни бирин-кетин босиб ола бошлади. Босиб олинган ҳудудлар, асосан, хонлик сифатида тугатилган Қўқон хонлиги ҳудуди ҳисобига ўлкада мустамлакачилик сиёсатини амалга оширувчи “Туркистон генерал-губернаторлиги” номида ҳарбий-бюрократик ҳокимият идораси таъсис этилди. Шундай ҳам қолоқ, аграр, феодал хонликлар шароитида бўлган Марказий Осиё бойликларини ўзининг хом-ашё манбаларига айлантиришдан ташқари, бой маданият ва миллий қадриятларимизга ҳам тажовуз қилинди. Мадраса ва мактаблар ёпиб ташланди, ноёб қўлёзма ҳамда тошбосма манбалар Петербург ва бошқа шаҳарларга олиб кетилди. Маҳаллий халқнинг эътиқодлари топталди. Чунончи, профессор Р.Орзибеков ҳам қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратган эди:

“Рус чоризмининг Марказий Осиё халқларига нисбатан олиб борган мустамлакачилик сиёсати, ижтимоий ва миллий зулмни кучайтирганлиги халқ оммаси ва маҳаллий зиёлиларнинг кучли норозиликларига сабаб бўлмай қолмади, тез-тез халқ озодлиги ҳаракатлари бўлиб турди. Албатта, янги ижтимоий-сиёсий ва маданий омиллар таъсирида ўлка адабий ҳаётида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Дунёвий реалистик ва романтик услубдаги адабиётларнинг параллел ривожини билан бирга илғор маърифтпарварлик адабиёти ҳам тез ривожлана бошлади. Бу йўналишдаги адабиёт намояндалари феодал саройлар муҳитидаги шоирларга нисбатан ҳаётни, ундаги ижобий ва салбий жараёнларни тўлароқ акс эттириши йўлидан бордилар, ҳатто, иккиёқлама зулмни қоралаш, унинг айбдорларини бадном қилиши даражасига кўтардилар”⁸.

Бу даврда ҳам Қўқон, Марғилон, Наманган, Андижон, Тошкент, Самарқанд каби қадимий маданиятга эга бўлган шаҳарларда турли таркибда

⁸ Орзибеков Р. Адабий меросимиз сехри. – Самарқанд: СамДу нашри, 2006. 344- бет.

бир-бири билан алоқа қилиб турувчи ижодкорларнинг давралари мавжуд эди. Қўқонда – Муқимий, Фуркат, Завқий, Мухйи, Нисбатий; Тошкентда – Камий, Холис, Хислат; Самарқандда Сайидахмад Васлий, Сипандий, Писандий, Ажзий, Туғрал Ахрорий, Мир Сарвар Ургутий; Каттакўрғонда – Мирий, Ноқис, Аҳқар, Ножий, Хитойи каби шоирлар маърифий ғоялар тарғибига бағишланган асарлар яратдилар. Бу, айниқса, Сайидахмад Васлий Самарқандий ижодида яққол кўзга ташланади. Васлийнинг ҳаёти, фаолиятига оид баъзи маълумотлар адабиётшунослигимизда адабий жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган.

Сайидахмад Васлий Самарқандий 1869 йили Самарқанднинг Қўқ масжид гузаридида пичоқ ясовчи хунароманд Уста Азим оиласида туғилади. Отасидан эрта айрилиб, дастлаб Самарқандда таҳсил ола бошлаган Васлий 1883 йилда онаси билан бирга Тошкентга боради ва тоғаси Абулқосим ёрдамида Қўқалдош мадрасасида ўқий бошлайди. 1893 йилдан кейин Бухорода таҳсилни давом эттирган Васлий 1902 йилда хатми кутуб қилади ва Бухоро мадрасаларидан бирида мударрислик қила бошлайди. 1907 йилда Қозонда чиқарилган “Ахбор” газетасида Абдурашид Иброҳимов шоир Васлийнинг мадрасаларда ўқув ва ўқитиш усулининг яроқсизлиги ҳақидаги фикрларини эълон қилади. Шундан сўнг, шоир Бухоро уламолари томонидан қаттиқ тазйиқ остига олинади. Натижада, Бухорода туришни истамаган Васлий она шахри Самарқандга келади ва дастлаб Шоҳизинда, кейинчалик Орифжонбой мадрасаларида мударрислик қилади. Бу даврда у қизғин ижодий иш билан шуғулланади. Шоир 1925 йил 29 октябрда вафот этади. Миллат маънавий, маърифий манфаатлари учун жон куйдирган ватанпарвар зиёлиларнинг турли хил қарашлари ва фаолиятлари жамиятда биз юқорида тилга олган янги ижтимоий-маданий ҳаракатнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бу ҳаракат жамиятнинг ижтимоий-маданий асосларини қайта қуришга қаратилгани сабабли эски тузум, эски турмуш, эски мактаб тарафдорларининг кучли қаршилигига дуч келди. Бу қарши куч вакиллари “қадим” ё “қадимчилар” деб аталган бўлса, янги ҳаёт шабадаларини олиб

келишга уринган кишилар эса жаид ёки жаидчилар деган ном олдилар. Шу тарзда асримиз бошларида жаидлар ва жаидчилик ҳаракати юзага келди. Жаидлар дастлаб XIX асрнинг охирларида Қрим ва Кавказда яшовчи татарлар орасида пайдо бўлди. Исмоил Гаспиралининг “Таржимон” рўзномаси янги ҳаракатнинг бешиги бўлди. Жаидчиликнинг асосий вазифаси жамиятни инқилобий йўл билан эмас, ислохотлар йўли билан ривожлантириш эди. Олим Н.Каримов асарида келтирилишича, Маҳмудхўжа Бехбудий, “муттаҳид фронт” тузиш ғоясини баён қилар экан, “уламо ила зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ва авомимиз бирлашиб дин ва миллат ва Ватаннинг ривожини учун хизмат этсак”⁹, - деб ёзган эди. Жаидларнинг бундай “муттаҳид фронт”ни тузишга интиланларининг боиси тарихий шароит билан белгиланган эди. Жаидларнинг асосий эътибори асрлар давомида эзилиб, ижтимоий-маданий савияси ачинарли ҳолда қолган, иқтисодий аҳволи эса чидаб бўлмас даражада бўлган меҳнат аҳлининг шароитини яхшилаш, уни маърифат ва маданиятга ошно қилиш орқали бахт ва фаровонлик йўлига олиб чиқишга қаратилган эди. Жаидлар учун илм ва маърифат ягона қурол бўлиб, улар шу қурол ёрдами билан ўлка ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиёти учун курашмоқчи бўлдилар. Жаидлар очган ўнлаб мактаблар кенг халқ оммаси ўртасида илм-фанга бўлган қизиқишни оширди. Улар ўзларининг адабий ижодлари билан илм-фан ва маданият йўлидаги курашга катта куч сарфладилар. Бу давр адабиёти намояндаларининг ижодий мероси мафкуравий манфаатларга бўйсундирилиб ўрганилганди. Ҳатто, шўро даврида ижоди энг кўп тарғиб ва ташвиқ этилган шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий адабий мероси ҳам синфийлик мафкурасига мослаб ўрганилган, адабий мероси қисқартирилган, шоирнинг муножотлари, диний руҳдаги асарлари ўқувчи нигоҳидан яширилганди. Ўз даврининг машҳур истеъдодли шоирлари Ҳазиний, Муҳйи, Туғрал, Адо, Шавкат, Дилкаш, Ҳавойилар каби Васлий Самарқандий ижоди ҳам давр адабиётшунослиги эътиборидан четда турарди. XX асрнинг 80-йилларига

⁹ Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. 533 - бет.

келиб, ўзбек адабиётшунослигида бу масалага нисбатан бир қадар ҳолисона илмий муносабатлар пайдо бўла бошлади. Жумладан, филология фанлари докторлари Б.Қосимов ва Н.Каримов каби олимлар тараққийпарвар ўзбек зиёлилари, жаҳид адабиёти вакиллари меросини чуқур ва ҳолисона ўрганиш лозимлиги масаласини ўртага ташладилар. Р.Ҳодизода, У.Каримов, С.Саъдиев каби тожик олимлари эса ўрганилаётган давр адабиётини “янги адабий жараён” деб номлаб, шўро даврида рад этилган ёзувчи ва шоирлар ижоди, жумладан, Туғрал, Тамкин ва Мирзо Сирож ижодига махсус тўхталар эканлар, уларни мумтоз адабиёт анъаналари услубида асар яратган бўлсаларда, тараққийпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этувчи, зиёкорлик уруғларини экувчи адабий мерос соҳиблари, деб баҳолайдилар. С.Ҳалимов Васлий Самарқандийнинг ўзбек ва тожик тилларида битилган шеърӣ девонларини кўздан кечиран экан, Васлий ўзининг оптимистик руҳдаги лирик шеърларида реал инсоний ҳис-туйғуларни акс эттириш билан бир қаторда ўзи яшаб турган жамиятнинг иллатларини ҳам фош этганлиги, бу жамият аҳлидан кўп озор чекиб, шаҳарма-шаҳар овора бўлиб юрганлиги ҳақида ҳам ёзади. Сайидахмад Васлий девонларининг ғоявий пафоси, мавзу ва мазмун мундарижаси шундан далолат берадики, шоир ўлкада кенг мавқе тутган ижтимоӣ онг таъсирида маърифатпарварлик руҳида асарлар ёзди. У ўз маслакдош дўстлари ва ҳамфикрлари Зокиржон Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Иброҳим Журъатлар қатори кишиларни асрий қоқоқликдан бош кўтаришга, илмли, маърифатли бўлишга даъват этади:

*Эй кўзларим зиёси, замондир замони илм,
Бўлгил камоли жаҳдинг ила комрони илм¹⁰.*

Ёки:

*Кони иззу жалолдур мактаб,
Жойи фазлу камолдур мактаб.
Мактаб ичра ўқи улуму фунун,
Ақлга пару болдур мактаб¹¹.*

¹⁰ Васлий Самарқандий. Тухфатул-аҳбоб. – Тошкент: Порцев матбааси, 1913. – 43 бет.

Ўз даврининг илғор зиёлилари қатори Васлий ҳам ёлғиз бадиий ижод билан чегараланиб қолмади. Адабиётнинг энг ҳозиржавоб ва фаол жанрларидан бири публицистикага ҳам мурожаат этди. Васлийнинг туркий ва форсий тилда тартиб берган девонлари билан танишар эканмиз, унинг ўз даври қалам аҳли билан яқин ҳамкорликда бўлганини, ўзига замондош бўлган ва бадиий ижод майдонида ўзига тенг шоирларнинг асарларига мухаммаслар, назиралар ёзганлигининг гувоҳи бўламиз. Чунончи, шоирнинг “Тухфатул-аҳбоб” деб номланган девонидан “Мухаммасот” (Мухаммаслар) номли катта бир бўлим ўрин олган. Бўлим “Мавлоно Навоий ҳазратларининг ғазалларига мухаммас” сарлавҳаси остида Алишер Навоийнинг:

Менга не манзилу маъво аён, не хонумон пайдо,

*Не жонимдин асар зоҳир, не кўнглумдин нишон пайдо*¹², -
матлаъли ғазалига боғланган мухаммас билан очилади. Шуниси эътиборлики, мазкур бўлимдаги 18 мухаммасдан биттаси Навоий ғазалига, учтаси Фузулий ғазалига ва биттаси Лутфий ғазалига боғланган бўлиб, қолган ўн уч мухаммас шоирнинг замондошлари ғазалларига боғланган. Васлий «Армуғони дўстон» деб номланган форсий девонидан ҳам ўзбек ва тожик мумтоз адабиёти намоёндалари Навоий, Камол, Сайидо, Нозим, Амир Хусрав, Фузулий каби шоирлар билан бир қаторда, ўзининг замондошлари Сабрий, Хислат, Шоик, Шавкат, Ҳилмий, Фикрий, Туғрал, Осий, Навҳа кабиларнинг ғазалларига ёзилган мухаммаслар ҳам ўрин олган. Мазкур маълумотлардан маълум бўладики, Васлий ўз даври адабий жараёнининг фаол иштирокчиларидан бири бўлиб, даврининг машҳур шоирлари ижодини зийраклик билан кузатиб борган, уларнинг шеъриятидаги ўзига маъқул кўринган ғазалларга мухаммас ва мусаддаслар боғлаган. Шоирлар ўз даври санъат аҳли билан яқин муносабатда бўлганлиги ҳақида ҳам девонда ишора бор. Яъни, Васлий бир мухаммасини машҳур ҳофиз ва созанда Ҳожи Абдулазиз илтимоси билан ёзганлигини қайд этади:

¹¹ Васлий Самарқандий. Тухфатул- аҳбоб. – Тошкент: Порцев матбааси, 1913. – 9 бет.

¹² Ўша манба. 57- бет.

“Мухаммас бо илтимоси Ҳожи Абдулазиз муғанний”. Мухаммас куйидаги банд билан бошланиб Ҳомий ғазалига боғлангандир:

*Зулму ситам манга, жонон, айлама,
Ҳажр ўтига кўнглум бирён айлама,
Оразингни мандин пинҳон айлама,
Ҳастадурман тарки иймон айлама,
Ақлим олиб лолу ҳайрон айлама*¹³.

Демак, Васлийнинг бу мухаммаси ўз даврида кўшиқ бўлиб оммалашганлиги ҳақида ҳам хулоса қилиш мумкин. Ушбу давр ўзбек ва тожик адабий алоқаларига бағишлаб ёзган китобида С.Ҳалимов Васлий ижодининг шаклланишида муҳим мавқеъ эгаллаган, шоирга замондош ижодкорлар ҳақида фикр юритиб, жумладан, шундай хулосани баён этади: “Сайидахмад Васлий ижодиётининг шаклланишида ўзбек ва тожик маърифатчилиги, хусусан, Муқимий ва Фурқат ижоди ҳам катта таъсир кўрсатади. Илмий адабиётда Васлийнинг Муқимий билан шахсан таниш ва суҳбатдош бўлганлиги ҳақида ҳам ахборотлар мавжуд”¹⁴. Мулоҳазалари давомида Васлийнинг Муқимий ва Фурқат ижодий анъаналарига қай тариқа эргашиб, маънавий озиқ олганлиги, уларнинг ижодига ҳамоҳанг тарзда асарлар яратганлигини далиллар воситасида асослаб беради. Миллий уйғониш даври уларни умумий бир маърифатпарварлик ғояси байроғи остида фикрлашга даъват этди. Васлий ижодида ҳам маърифатпарварлик ғоялар етакчи ўрин эгаллайди. Маърифатпарварлик тарғибига бағишланган асарларнинг мазмуни, образларини ҳам реал турмуш ҳақиқатлари ташкил этди. Демак, миллий уйғониш даври бадиий адабиётдаги жанрлар тараққиётида, унинг образлар системасида ҳам намоён бўлди. Албатта, ҳажв ва сатира Тошкент, Самарқанд ва Каттакўрғон шоирлари ижодида ҳам фаол жанр сифатида кўзга ташланар эди. Бироқ бу ҳодиса Кўқон адабий муҳити вакиллари ижодида бўлгани каби етакчи мавқе эгалламаган эди. “Бу давр

¹³ Васлий Самарқандий. Тухфатул-ахбоб. – Тошкент: Порцев матбааси, 1913. – 74 бет.

адабиётининг етук намояндалари ижодида сатирик йўналишдаги, маърифатпарварлик мазмунидаги шеърий-ҳикоялар (маснавий-манзумалар), шеърий “Саёҳатнома” (Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодим, Ғурбат) ҳамда мактубот жанрлари ривож топди; ҳажвиётнинг турмушдаги қолоқликлар устидан кескин ҳукм чиқаришга қаратилган намуналари, шунингдек, ҳазил-мутуйибага бой турмуш ҳақиқатлари ифодасидан иборат юмористик асарлар туркумлари юзага келди, мактубларда ҳам ижтимоий публицистика руҳи кучайди. Улардан ҳам миллий уйғониш даври оҳанглари ўрин олди”¹⁵.

Р.Орзибеков адабий жараёндаги биз назарда тутган услубий ўзига хосликни қуйидагича тасниф этади: 1) халқчил романтик; 2) халқчил реалистик; 3) илғор маърифатпарварлик; 4) диний-тасаввуфий (бу ҳам халқчил). Бу йўналишларга мансуб шоирлар адабий қиёфасини улар асарларининг мавзулари, тимсоллари, шаклий-услубий жиҳатлари, эстетик принциплари белгилайди¹⁶. Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, олим С.Ҳалимовнинг Муқимий ва Васлий ижодий яқинлиги ҳақидаги фикрини бироз тўлдириб, Васлийнинг Муқимийдан ижодий таъсирланиши, асосан, унинг ошиқона ва қисман ижтимоий руҳдаги ғазалларида кўринишини қайд этмоқчимиз. Муқимий лирикасининг етакчи тамойилларидан бўлмиш ҳажв, юмор, сатира жанридаги асарлар эса Васлий ижодида қарийб учрамайди. Бинобарин, Муқимий ижодий услубий йўналишда Р.Орзибеков таснифотидаги халқчил реалистик руҳда ижод қилган бўлса, Васлий диний-тасаввуфий ижодкорлар гуруҳига мансуб бўлиб қолади. Худди шундай диний-тасаввуфий руҳда ижод қилган Каттақўрғон шаҳри қозиси Салоҳиддин махдум – Салоҳий билан ҳам Васлийнинг яқин дўстона муносабатда бўлганлиги аниқланди. Салоҳий девонидан Васлий Самарқандийнинг Салоҳий Каттақўрғонийга йўллаган форс-тожик тилидаги мактуби ва Салоҳийнинг ҳам унга ёзган жавоб мактуби ўрин олган. Шу тариқа, Васлий Самарқандий ўз замонасининг машҳур шоир ва олимлари,

¹⁴ Ҳалимов С. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида ўзбек ва тожик адабий алоқалари. Самарқанд, 1978- 35-36 бетлар.

¹⁵ Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи (Миллий уйғониш даври). – Самарқанд: СамДу, 2003. 47- бет.

кўзга кўринган зиёли ва маърифатпарвар шахслари билан яқиндан таниш бўлибгина қолмай, балки улар билан вақтли матбуот орқали мактублар ёзишиб, девонлар ва бошқа турдаги асарлар тақдироти муносабати билан ижодий ҳамкорлик қилган, давр адабий жараёнида фаол иштирок этган. Бу эса, бевосита Васлий Самарқандийнинг ўз даври таниқли шоири, олими, мутафаккири ва ўзига хос йўриқдаги намояндаси бўлиб етишувига сабаб бўлди. У Миллий уйғониш даврининг маърифатпарвар шоирларидан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан ҳам яқин дўстона алоқада бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шу ўринда Васлий ҳақида маълумот берувчи яна бир адабий-танқидий мақола шоирнинг кичик замондоши Фафур Фулом томонидан ёзилган. Мақолада Васлийнинг ўз даври адабий муҳити билан бўлган алоқасига доир баъзи маълумотлар ҳам бор. Шарқ поэзиясининг йирик билимдони Фафур Фулом Васлий Самарқандий каби ўз даврининг таниқли олими, фозили, шоири, мударриси ҳаёти ва фаолиятидан яхши хабардор бўлган. Фафур Фуломнинг мукаммал асарлар тўплами XII томлигининг XI тоmidан «Сайид Аҳмад уста Сайидазимбой ўғли Васлий» деб номланган мақола ўрин олган. Ҳажман кичик бўлган бу мақолада шоир Васлий ҳаёти ва фаолияти ҳақида мухтасар маълумот берилади. Фафур Фулом Васлийнинг таржимаи ҳолидан яхши хабардор бўлганки, мақоласида шоир оилавий ҳаёти ва маиший турмуши, дарс олган устозлари ва мадрасалари, тараққийпарвар публицистик фаолияти ҳақида аниқ фикрлар билдиради. Фафур Фулом «Васлий ўз замонасининг тараққийпарвар муллаларидан ҳисобланарди», деб ёзади. У Васлийнинг «1903 йилдан очила бошлаган усули жаид мактабларига биринчи топқир ўқиш китоблари ёзганлардан бири» ва «... бундай мактаблардан бир-иккисининг очилишига сабаб ҳам бўлган» лигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Мақолани синчиклаб ўқир эканмиз, Фафур Фулом ватанпарварлигининг ёрқин бир қирраси кўзга ташланади. Яъни: «Васлий шахсан тараққийпарвар ва жаиднамо бир киши бўлса ҳам, унинг шеъри яна эски феодализм адабиёти ғазалхонлигидан унча

¹⁶ Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи (Миллий уйғониш даври). – Самарқанд: СамДу, 2003. 47- 48бет.

нари кетмагандир. Янгича ёзган нарсалари мактабга тарғиб, бир ундан қочиш ва ҳоказолар сингари жаид адабиётининг ибтидоий шакллариандир”¹⁷, - дейди. Бу фикрларнинг носамимий, асосий гапни айтиб олиш учун бир баҳона эканлиги яққол намоёндыр. Агар шундай бўлмаганда, ҳақиқий илм ҳикмати чукур идрок этган Ғафур Ғулом мақолада келтирилган мазкур фикрлардан кейиноқ: “У Васлий ўзбекча, тожикча, арабча мукаммал билар эди. Ҳар уч тилда ҳам ёзган асарлари кўпдыр” тарзидаги ифтихор ва мактов тўла сатрларни ёзмас эди. Чунки Васлийнинг нашрдан чиққан ва нашр этилмаган асарлари ҳақида анча тўлиқ маълумот берган Ғафур Ғулом ушбу асарлар мазмунини жуда яхши билган, уларни ўқиган. Шоир “Васлий ўз китобларини чоп эттиришни жуда севарди. Шунинг учун ҳам уни, кўпинча, Ғулом Ҳасан матбааси атрофида ўралашиб юрганини кўрар эдилар”, - деб ёзар экан, Васлий асарларининг ўз даврида оммалашиб кетганига, ўзининг ҳам бу асарларни ўқиганлигига ишора этади. Васлий Самарқандий ҳақидаги мақола ҳам шоирнинг ана шундай билвосита тадқиқотларидан биридир. Ғоят эҳтиёткорлик, ғавқулодда ғурур ва жасорат билан ёзилган бу мақола шоир “Адабий-танқидий мақолалар” икки томлигининг II томида илк бор эълон қилинган. Шоир ўз жамияти сиёсий ҳокимиятининг ўлим ҳиди анқиб турган таъқиқларидан ҳайикмай, ҳукмрон мафкуранинг умуман барча динларга бўлган муносабатини яхши биладуриб, ўз ватани илм фанининг йирик намоёндаси ҳақида ҳақ гапни айтди ва ўзига хос тарзда уни тарғибот этди.

Хулоса қилиб айтганда, Сайидахмад Васлий Самарқандий ўз даврида кенг қамровли, истеъдодли адиб сифатида танилган, асарлари вақтли матбуот ва турли-туман нашрлар, қўлёзма нусхалар орқали эл орасига ёйилиб, эътибор қозонган эди. У гарчи асосан мударрислик билан шуғулланган бўлса-да, бироқ фаол ижодкор инсон бўлган. Тошкент, Қўқон, Бухоро, Каттақўрғон каби шаҳарларга сафарлар уюштирган, ҳур фикрли зиёлилар, шоирлар билан учрашиб, дўстона муносабат ўрнатган. Натижада, бир томондан, Васлийнинг ўзи бу сафар ва мулоқотлардан баҳраманд бўлган

¹⁷ Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. II- том. Тошкент: Фан, 1989. 37-39 бет.

бўлса, иккинчи томондан, илғор ижодкорлар ва аҳолининг Васлий ҳақидаги ижобий фикрлари шаклланишига сабаб бўлган. Шунинг ҳам қайд этиш керакки, Васлий нафақат шахсан таниш ижодкорлар билан илиқ муносабатда бўлиб, мактублар йўллаган, балки ўзларини танимаса ҳам китоблари, шеър ёки мақолаларини ўқиш орқали ҳам айрим муаллифлар билан ғойибона дўстлашганига гувоҳ бўламиз. Замондошлари ғазалларига боғланган мухаммаслар шундан далолат беради. Бу мухаммаслар ижодий ҳамкорликнинг яхши намунаси, ҳам туйғу, ҳамфикрлиликка мисолдир. Васлийнинг келтирилган саломнома (ёки мактуб) шеърлари, унга жавобан юборилган саломномаларни янги даврда шаклланган ўзига хос адабий мактуб жанри, дейиш мумкин. Зеро, бу мактубларда мақтов-мадҳия ҳам, руҳлантирувчи ғоялар ҳам, маслакдошлик туйғулари ҳам акс этган. Васлий Самарқандий шу тариқа қадимий адабий анъаналарга содиқ қолиш билан бирга, янги усул ва услублар қўллаш йўлидан бориб, жамоатчилик диққатини тортадиган асарлар ёзишга эришган. Кейинги кузатишларимиз буни яна-да, ёрқинроқ тасдиқлайди.

1.2. Шоирнинг адабий мероси

Нозиктаъб шоир Сайидахмад Васлий Самарқандийнинг туркий назмиётидан намуналар ўз даври матбуотининг қарийб барча нашрларида эълон қилинган бўлса-да, бу шеърий мероснинг асосий қисми унинг “Тухфату-л-аҳбоб” деб номланган туркий девонида жамлангандир. Бу девон ўз даври адабий ҳаётининг муҳим воқеаларидан бири бўлган, десак муболаға бўлмайди. Чунки матбуотда бу девон тарғиби ҳақидаги хабарларнинг пайдо бўлганлиги фикримизни исботлайди. “Тухфату-л-аҳбоб” нашр этилишидан биров илгарироқ, 1909 йилнинг 2-август (№58) сонидан “Туркистон вилоятининг газети” Васлийнинг Самарқандда чоп этилган уч тилдаги шеърий девони ҳақида хабар беради. Девон араб, форс-тожик ва туркий тилдаги шеърлардан иборат. 1913 йилда эса “Туркистон вилояти газети” Васлийнинг “Тухфату-л-аҳбоб” номли девони ҳақида хабар бериб, девондан ўрин олган “ё Раб”, “арзурму” радифли ва қимиз васфига бағишланган уч ғазални газетхон эътиборига ҳавола этади. Ушбу хабарнинг қисқача мазмунини бу ўринда келтириш лозимки, унда ўз даври руҳияти ва Васлийнинг адабий ҳаётда тутган ўрни бевосита акс эттирилади: «Самарқандлик олиму фозил муҳтарам домла Сайидахмад Васлий мутахаллус жанобнинг ашъоротларидан “Тухфату-л-аҳбоб” номдин бўлуб, ушбу кунларда чопдин чиқибдур. Мундин бошқа Ҳазрат Мавлавий Жомийнинг рубоиятлариға шарҳ қилиб, “Назму-с-силсила” ном қўюлгон бир асари ҳам мудавван бўлиб, ғоятда нафис қоғоз ва хатти хўб ила матбааи Ғуломияда босилиб чиқибдур. Яна домла Саидахмад Васлий жанобнинг саъй ва ихтимом ва харожатлари ила “Авомили миъа ат-тарокиб ва мўъзи маъа амсила ва эълोल”га қилган шарҳлари ғоятда хушхат ва яхши қоғозда босилиб чиқибдур. Бу шарҳи қофиянинг таърихи:

Қори чун изоҳ алфозаш бидид,

Шарҳ бо изоҳ таърихаш бигуфт (1331).

Мазмуни: Қори бу сўзларни изоҳлаб кўриб, бунинг таъриhini шарҳлаб берди.

(Шарҳ боизоҳ тарихаш бигуфт изо шарҳ “Нафъ ут-толиб” хубу накў жомъ таҳқиҳои вофия хуб хондаи нек дидам гуфтамаш ва чй шарҳи хубу некў кофия). Китоби “Тухфатул-аҳбоб” таърихларини келадургон газетда хурматлук қориларимизга манзур қилурмиз. “Тухфатул-аҳбоб” ғазалиётларидан...”¹⁸.

Девон 1913 йил Тошкентда Порцев матбаасида босилиб чиққан. Ундан 1832 байт шеър ўрин олган. Девон ҳажми 132 саҳифадан иборат бўлиб, чиройли настаълиқ хатида кўчирилган. Хаттот мулло Ўтаб Тошкандий, ношир эса Нозим Котиб исмли шахс. Мужалладнинг биринчи саҳифасида шундай тўртлик берилган:

Хуш “Тухфатул-аҳбоб”и суҳандондир бу,

Виждон кўзига кўзгуи ирфондур бу,

Ким истаса аҳволи замон кўрмагини,

Маъни назарила боқса мубайёндур бу.

“Тухфату-л-аҳбоб”нинг жанр таркиби ниҳоятда ранг-баранг. Ундан 102 ғазал, 19 муҳаммас, 6 мусаддас, 3 рубоий, 4 туюқ, 2 маснавий, битта мусамман, таржеъбанд, таркиббанд, қасида каби жанрлардаги асарлар ўрин олган бўлиб, ҳаммаси 140 тадир. Ушбу девоннинг мазмуни, ғоявий-бадий руҳи ҳақида ўзбек адабиётшунослигида жуда оз маълумот мавжуд. Ўтган аср 60-йилларида, юқорида қайд этилганидек, С.Ҳалимов ўзининг номзодлик диссертациясида бу ҳақда фикр билдирган. Шу олим 2001 йилда Самарқандда чоп этиладиган “Зиёкор” ойномасининг 11 (№51) ва 12 (№52) сонларида ҳам Васлий ҳақида мақола эълон қилиб, “Тухфату-л-аҳбоб”дан бир неча ғазал чоп эттирди. Шунингдек, Ж.Меликулов “Васлийнинг туркий девони” “Виждон кўзига кўзгуи ирфон ”сарлавҳали мақола эълон қилди¹⁹. Шоирнинг туркий шеърляти ҳақида адабиётшунослигимизда бундан бошқа бирор мақола ёки асар чоп этилгани йўқ. Чунончи, “Бу даврда шаклланган маърифатпарварлик, сўнгра жадиличлик оқими вакиллари мумтоз

¹⁸ Васлий Самарқандий. Шеърлар. “Тухфатул-аҳбоб” тўпламидан олинган шарҳи // Туркистон вилоятининг газети. 1913. - № 74.

¹⁹ Меликулов Ж. Васлийнинг туркий девони // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 2002. №4. -Б. 34-38.

адабиётимиз анъаналарини янги шароитда давом эттириб, адабиётда маърифатпарварлик, ватанпарварлик, алал-оқибат истиқлол ғояларини илгари сурдилар, мавжуд ижтимоий тузумни, мустамлака халқларнинг турмуши ва орзу-истакларини ҳаққоний акс эттирдилар, истибдод асоратидан қутулиш чораларини изладилар. Бунда Самарқанд адабий муҳитининг ҳам муносиб улуши бор. Худди ана шу муҳитнинг илғор намояндаларидан бири Сайидахмад Васлий Самарқандийдир”²⁰. Мақола муаллифи шоир лирикасини ишқий-ижтимоий ва ахлоқий-таълимий турларга бўлиб ўрганади. Аммо Васлий шеъриятидаги ижтимоий-маърифий мотивларни яхши илғаб олган тадқиқотчи бу ҳодисани, бизнинг назаримизда, бирёқлама талкин қилади. Унинг фикрича, Васлий лирикасидаги ижтимоий фаоллик, таъбир жоиз бўлса, зотий, яъни табиий бўлмай, ташқи таъсирлар натижаси ўлароқ содир бўлган:

“Давр газета ва журналларини кузатиб бориш, татар, озарбайжон, ўзбек маърифатпарвар шоирлари ижоди билан яқиндан танишиш, улар билан ўзаро мулоқотда бўлиш Васлий ижодининг мазмунан ўзгаришига ва ижтимоий руҳ билан сугорилишига баракали таъсир кўрсатди. Энди унинг шеърларида миллат, Ватан, озодлик мавзулари кўп ўрин тута боради”.

Ҳақиқатан ҳам, Васлий ўз даври адабий муҳити билан ҳамнафас, ҳамқадам шоирлардан эди. Ўз даври матбуотида асарлари билан фаол иштирок этар эди. У, албатта, адабий жараёндан узилиб қолмай, кимдандир ўрганган, кимнингдир ижодидан руҳланган, ҳатто, бировга тақлидан асарлар ҳам ёзган бўлиши мумкин. Бироқ, Васлий дунёқараши, маърифати унинг ҳаётсевар ва инсонпарвар ислом ғоялари асосида шаклланганди. Шунинг учун Васлий Ватан, миллат, озодлик ҳақидаги туғма ҳиссиётларини, куюнчак фикрларини ўз даврида содир бўлаётган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисаларни асарларида ифода этади. Ижодининг шу хусусияти билан ҳам Васлий Миллий уйғониш даври маърифатпарварларидан фарқ қилади.

²⁰ Меликулов Ж. Васлийнинг туркий девони// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002.№4 –Б. 35-бет.

Васлий ижтимоий, маданий-маърифий соҳалардаги фикрларини ўзига хос услубда уқтиришга ҳаракат қилади. Масалан, инсоннинг иқтисодий манфаат учун ҳаддин зиёд ҳаракат қилиб, маърифатдан бебаҳра қолиши мумкинлиги ҳақида ўйлар экан, унга қарата соф инсоний нуқтаи назардан шундай дейди:

*Эй банда, санга Розикӣ Мухтор берур ризқ,
Ахтарма, агар истасанг охтор берур ризқ.
Ризқинг азалийдур емагил беҳуда андуҳ,
Авқот учун қилмагил афғор берур ризқ.
Бошқа кишидин уз тамаъингни кеча-кундуз,
Ўз лутфи илан Ҳазрати Жаббор берур ризқ²¹.*

Биз бу фикрларни қайд этиш билан шоир Васлийни ислом динининг оташнафас тарғиботчиси сифатида кўрсатиш ниятидан йироқмиз. Албатта, ислом ғоялари Васлий ҳаёти учун дастуруламал эди. Аммо биз назарда тутаётган соҳада Васлийнинг хизмати шу бўлдики, у исломни янги ҳаётдан қувғин қилмай, умуминсоний ҳаётсевар тафаккур маҳсулларидан ҳам фойдаланиб, миллий қадриятлар уйғунлигида янги ижтимоий ҳаётни куриш, маърифатнинг тарихий илдизларидан бошлаб баҳраманд бўлиш ғояларини илгари сурди. Бугунги давр истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан баҳо берадиган бўлсак, Васлийнинг ўз даври тафаккуридан анча илгарилаб кетганлигининг гувоҳи бўламиз. Уни “реакцион дин вакили” деб қоралаган шўро мунаққидлари негадир шоирнинг “хотин-қизларни маърифатли қилиш учун уларнинг юзларидаги ҳаё пардасини йиртиб отмоқ не лозим, ахир, Зебуннисо, Бибихоним, Нодираю Увайсий каби қатор оқила, фозила, шоира аёлларга тасаттур монёлик қилмаган-ку”,- деган фикрларига эътибор қаратмаганлар. Фикримизнинг далили сифатида яна бир шеърни келтирмоқчимиз. Шеърда миллат ғами масаласи кўтарилади. Мустамлакачининг асосий мақсади ҳам миллатни мафкурасидан ажратишдир. Васлий ўз даврида марифатпарварликдан бошқа мафкурани тасаввур эта олмайди. Шунинг учун, ўз онги даражасида фикр юритиб,

²¹ Васлий Самарқандий. Тухфатул –аҳбоб. Тошкент: Порцев матбааси, 1913.- 33 бет.

миллат умуман мафкурасиз бўлгандан кўра, ўзини мустақиллигига дастур қилса мақсадга мувофиқ, деган қарорга келади. Шу жиҳатдан, биз шоир шахсини маърифатпарварлик дунёқараши билан Ватан, миллат, халқ ғамини ўйлаган тараққийпарвар олим сифатида талқин этамиз. Чунончи, бир шеърида шоир миллатга хизмат қилмоқ инсон маънавий камолотининг чўққиси эканлигини эътироф этади:

*Кими миллатга хизмат қилди ошти кўкдин қадри,
Фалак узра чиқиб олий муъалло бўлди хизматдин*²².

Васлий девонининг “Мухаммасот” қисми “Мавлоно Навоий хазратларининг ғазаллариға” боғланган мухаммас билан бошланади. Шоир уни машхур салафининг “Менга не манзилу маъво аён, не хонумон пайдо” мисраси билан бошланадиган ғазалига боғлаган. Мазмунига кўра, бу шеър шоирнинг ғурбатда юрган йилларида ёзилгандек таассурот уйғотади. Шундан сўнг, девонда кетма-кет Мавлоно Фурқат, Камий Тошкандий, Собир Карминагий, Хислат эшон Тошкандий, Мулло Абулсафихон махдум Тошкандий, Фузулий Бағдодий, Муқимий Хўқандий (алайҳиррахмат), Муаллим Мирзо Шариф махдум Ҳилмий Самарқандий Қўшхавзий, Лутфий, Мавлоно устозино Ҳазрат Сайид Мирҳомидхон муфти Шойиқ Тошкандий, Мирзо Акрам Фикрий Самарқандий Қўшхавзий, Мулло Сирожиддин махдум Шавкат Искандарий Тошкандий, Мулло Носириддинхон Косоний дар равият Ҳазрати Эшон Камолиддинхон афанди Ёртепаги каби шоирлар шеърларига юксак дид билан боғланган мухаммаслар келтирилади. Девондан ўқувчига завқ бағишлайдиган бадий юксак рубойлар ҳам ўрин олган. Бироқ улар бир туркум қилиб эмас, балки бошқа жанрлардаги шеърлар орасида жойлаштирилган. Қуйидаги ширу шакар рубойни мисол тариқасида келтирамиз:

*Эй сарвқади, сийимтан, орази моҳ,
Лайливаши Юсуфсифат, олий жоҳ.
Кўзунг газабини қўрқусидин дедим:*

²² Васлий Самарқандий. Тухфатул-ахбоб. – Тошкент: Порцев матбааси, 1913. – 48- бет.

“Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ”²³.

Мазмуни: Эй, хушқомат, ойюзли, гўзал Юсуфсифат, олий мартабали, кўзингнинг ғазабидан кўркуб, дедим: “куч ва қувват олий ва буюк Аллоҳдандир”. Кўринадики, рубоийнинг аввалги икки мисраси тожик тилида бўлса, учинчи мисра ўзбек тилида, тўртинчи мисра араб тилидадир. Аммо мисралар мазмунан бир-бирига мос ва асарнинг енгил бир юмористик рух касб этгани ҳам ўқувчини хушнуд этади. Девонга иккита дидактик мавзудаги катта ҳажмдаги шеърлар киритилган. Улардан бири “Ўқуғучи бир бола оғзидан” деб номланиб,

Мен бир боламен ўзгинам ёш,

Ёшимга ярошти ушбу кенгош²⁴, - байти билан бошланади.

Иккинчиси эса, “Мактабга муҳаббатлик бола”, деб номланган бўлиб, бу асар ҳам бола тилидан келтирилган байтлар билан бошланади:

Борармен эрта бирлан мактабимга,

Борубон ўлтуруб ўз мансабимга²⁵.

Маснавий шаклида ёзилган бу икки шеър бир-бирини тўлдиради ва ривожлантиради. “Ўқуғувчи бир бола оғзидин” шеъри 17 байтдан иборат. Унда илм олишнинг аҳамияти, мактаб тарбиясининг ҳаёт учун, инсон камолоти учун зарурлиги уқтирилади. Шоир ёзади:

Кичкиналик замонда ҳар кас,

Ўз бошича бир нимарса билмас.

Ёш-ёш болаларки билмаюрлар,

Мактаб сориға қадам қўюрлар.

Мактабда билурлар ҳар на лозим,

Устодга бўлсалар мулозим²⁶.

Бола қалбининг мактабга, илмга ташналиги, устоз-муаллимдан миннатдорлиги, китобга муҳаббати 20 байтлик иккинчи шеърда яна ҳам

²³ Васлий Самарқандий. Тухфатул-ахбоб. – Тошкент: Порцев матбааси, 1913. – 83- бет.

²⁴ Ўша манба. 120- бет.

²⁵ Ўша манба. 121- бет.

²⁶ Ўша манба. 120- бет .

равшанроқ ва таъсирчанроқ тасвирланган. Бола мактабга бир қувонч, шодлик билан интилади:

*Тўлур мактабда кўнглум шодликдин,
Бўлурман шод бу ободлиқдин...
Ўқумоқни чунон яхши кўрурман,
Ки ҳар дарсимда бир шайъ ўрганурман²⁷.*

Бола ўз устозларини ота-онасидай яхши кўради, чунки устозлари меҳр билан илм ўргатадилар, ақлини пешлаб саводхон қиладилар, бола олим бўлиш, оламни таниш иштиёқида ёнади. Васлийнинг фикрича, турли билимлардан хабардор бўлиш лозим. Бола тилидан келтиради:

*Манга ҳар нарса билмақ бўлса вожиб,
На вожиб, балки ҳар илми муносиб.*

Боланинг илм хазинаси – китобга муносабати қуйидагича тасвирланади:

*Яна яхши кўрарман китобим,
Китобимдур чароғим, офтобим.
Анинг нури ила кўнглумдадур нур,
Китобим жаннат қозғозлари ҳур²⁸.*

Шоир танлаган усул, яъни мактаб боласининг тилидан сўзлаши ўзига хос тарғиб-ташвиқ усули эди. Чунки кўп болалар саводсиз, мактабларга бормас, илму адабдан, демак, замондан беҳабар умр ўткарарди. Мақсад ана шу болаларни мактабларга жалб этиш, миллат келажаги бўлган ёшлар қалбига илм нурини киритиш эди. Васлий ҳар икки шеърда ҳам илмсевар боланинг ўзига хос образини яратган деса бўлади. Шубҳасиз, бунда маориф жонкуяри, илму ирфон орқали халқни уйғотишга бел боғлаган одамнинг интилишлари, пок нияти ўз аксини топган. Девонга “Муҳтамилот” сарлавҳаси остида 4 та тўртлик жойлаштирилган. “Тухфатул-аҳбоб” дунё юзини кўргач, давр матбуотида унинг қизғин муҳокамаси бошланиб кетди. Девонни ғоявий-бадий ва композицион жиҳатдан чуқур таҳлил этиб, гоҳ

²⁷ Васлий Самарқандий. Тухфатул-аҳбоб. – Тошкент: Порцев матбааси, 1913. – 121- бет

²⁸ Ўша жойда.

ижобий, гоҳ салбий фикр билдиргувчилар кўп бўлди. Таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Бегали Қосимов ўзининг “Излай-излай топганим” деб номланган монографиясида “Туркистон вилоятининг газети”нинг 1914 йил 72-сонида босилган Мирмуҳсин Шермуҳаммедов билан Сайидахмад Васлий ўртасидаги мунозарани таҳлил этар экан, жумладан, Васлий ҳақида ўз фикрларини баён этган. Биз ҳам мавзу тақозоси билан ушбу мулоҳазаларга муносабат билдиришни лозим кўрдик. Гап шундаки, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов “Туркистон вилоятининг газети”даги “Шоир жанобларга илтимос” деб номланган мақоласида Васлийнинг 1913 йилда Тошкентда чоп этилган “Тухфату-л-аҳбоб” китоби ҳақида танқидий фикр билдиради. Чунончи, замондошлари томонидан яратилаётган шеърий асарларни иккига – “ишқий” ва “миллий”га ажратиб, “ишқий” шеърга, хусусан, унинг кўринишларидан бири мувашшаҳчиликни киритади. Бунга қарама-қарши ҳолда “миллий” шеърга миллатнинг ўша кунлардаги дардини акс эттирувчи истиклолни қўлга киритиш, уйғониш каби ғояларни тарғиб этувчи асарларни киритади. Муаллиф Васлийнинг “миллий” шеърларидан қониқиб, унинг “мувашшаҳ”ларини “кераксиз” деб рад этади. “Садон Фарғона” газетасининг 1914 йил 68-сонида Сайидахмад Васлийнинг “Шеър ва илми балоғат” номли Мирмуҳсин мақоласига жавоби босилиб чиқади. Проф.Б.Қосимов мазкур мақолани таҳлил қилиб ёзади: “Ўзининг бир қатор тараққийпарвар шеърлари билан танилган, кўпгина демократ шоирларимиз билан яқин алоқада бўлган Васлий ўз мақоласида, афсуски, реакцион фикрларни ўртага ташлайди. У Мирмуҳсинни “илмсиз”, “илми балоғат”дан, “муҳсиноти лафзия” (сўз, тўғрироғи, нутқ гўзаллиги) дан “беҳабар” топади”. Икки шоирнинг адабиётшунослик соҳасидаги баҳс-мунозарасини таҳлил этган олим, балки ушбу китоб нашр қилинган йиллардаги (1983 й.) ҳукмрон мафкура туфайли бўлса керак, Васлийни ислом догмаларидан келиб чиқиб фикр билдирган деб, Мирмуҳсинни эса масалага «рационалистик позициядан ёндашган», дея баҳолайди. Бизнингча бунда адабиётга бўлган икки хил қараш акс этганини қайд этиш лозим. Яъни, Васлий ҳам анъанавий шеърят

жанрлари ва янги услубдаги шеърятни бирга ривожлантириш тарафдори. Мирмуҳсин бўлса, фақат янги усулда шеър ёзиш, эски жанрлардан воз кечишга чақирган. Шунингдек, XX асрнинг 10-йилларида “Туркистон вилоятининг газети”, “Садои Фарғона”, “Садои Туркистон” газеталарида босилган, адабиётнинг жамиятдаги ўрни, хотин-қизлар озодлиги, театрга, ишқий ғазалларга муносабат масалаларига бағишланган бу мақолалар қизгин баҳсларга сабаб бўлган. Бу баҳс “Ойна”, “Ал-Ислоҳ” журналларига ҳам ўтган, кенг омма фикрининг чархланиб боришида, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга бўлган. Васлий фикрларининг айримлари чиндан ҳам баҳсли бўлиб, ўша замон нуктаи назаридан эскирган эди. Хусусан, “тасаттири нисвон” (аёллар ҳижоби), шеър ва “илми балоғат” ҳамда театр ҳақидаги қарашлари диққатга лойиқ. Шунинг учун ҳам ёшларнинг бир гуруҳи унинг айрим чиқишларига каттиқ эътироз билдирганлар. Васлий 1917 йил 27 ноябрда эълон қилинган Туркистон мухториятини ҳаяжон билан қарши олган ва эҳтиросли нутқ сўзлаган эди. Аммо Васлий девонига кўплаб мувашшаҳларни киритгани учун бир ўринда афсусланади. У “Ойна” журналида эълон қилинган бир мақоласида шундай ёзади: “...Шунга ўхшаш нарсалар фақат бизнинг девонга махсус эмасдур, балки шуарои мутақаддим девонларига ашъори ишқия кўбдур. Муни жавобини лозиминча “Шеър ва илми балоғат” унвонлик мақоламизда ёзуб эдук. Яъни, девони форсий, туркийларимда ҳамд, наът, муножот, насихат, ашъори ахлоқий ва ашъори миллий кўбдур. Оре, ўзумга ҳам мувашшаҳларим мақбулим эмас. Эмди девон нашр қилсам, унга ашъори ишқия ва мувашшаҳ бўлмас, афу айлангиз муҳаррир афанди». Бу масаланинг бир томони. Иккинчи муҳим жиҳати шундан иборатки, Сайидахмад Васлий ўз миллати, халқи келажаги учун қайғурган, ташвишланган маърифатпарвар, ватанпарвар шоир эди. Агар шоир ижодий меросини чуқурроқ таҳлил этадиган бўлсак, унинг мумтоз адабиёт анъаналари, ғоявий услуби ва образларидан фойдаланиб, ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман, маснавий, таржеъбанд, таркиббанд, рубоий, мувашшаҳ, қасида каби жанрларда ижод қилган асарларидан кўра, шу жанрлар шаклларида фойдаланиб, ўз замонаси

маърифат аҳли ва маориф тизими ҳолатини реалистик услубда ифода этиб, тараққиётга ташвиқ этувчи ғояларни илгари суриб ёзган асарлари салмоғи анча устун эканлигининг гувоҳи бўламиз. Шу жиҳатдан, “Тухфатул-аҳбоб” девонининг 102-117-бетларидаги “Таржеъбанди орифписанд” (орифлар дидига мос таржеъбанд) номли шеъри диққатга лойиқ. Мумтоз адабиётимизнинг таржеъбанд жанрида ёзилган ушбу шеър ҳажман катта – 20 банддан иборат. Ҳар бир банд 13 байтни ўз ичига олади. Ҳамма бандлар жамланса, 260 байт шеър ҳосил бўлади. Бу ўртача бир дoston ҳажмига тенг. Таржеъбандда, одатда, шоирлар ўзларининг ҳаёт, инсон ва замон ҳақидаги ижтимоий, баъзан тасаввуфий-орифона фикрларини ифодалаганлар. Васлий Самарқандийнинг мазкур асарида ҳам даврнинг долзарб ижтимоий муаммолари дардли - эҳтиросли оҳангда баён этилган. Миллат ғами, унинг ўтмиши, ҳозирги аҳволи ва келажаги шоирни чуқур ўйлашга мажбур этади. Асар худди шундай сатрлар билан бошланади:

*Миллат ғамида ўлди қадим чархдек дуто,
Қон оғларам шафақ каби кўнглумдадур ано.*²⁹

Шеърнинг ҳар бир банди янги бир фикр, янги бир дардли байт билан бошланади. Бунда мурожаат ҳам, даъват ҳам, аламли қалб изҳори ҳам акс этган. Чунончи:

*Бу на замонки, кимсада номусу ор йўқ,
Бир соҳиб ҳамият, валотабор йўқ.*³⁰

Ёки:

*Бу на замонки, дидаи бедор қолмади,
Ғафлатдин ўзга халқга атвор қолмади.*³¹

Ёки:

*Бу на замонки, аҳли замоннинг хатоси чўх,
Фисқу фушуру ғафлату кайфу сафоси чўх.*³²

²⁹ Васлий Самарқандий. Тухфатул-аҳбоб. – Тошкент: Порцев матбааси, 1913. – 102- бет.

³⁰ Ўша манба. 104- бет.

³¹ Ўша манба. 107- бет.

Ёки:

*Бу на замонки, ҳолати миллат табоҳдур,
Ислом аҳлининг иши афғону оҳдур*³³.

Шу тариқа шоир ҳар бандни замонаси кишиларининг нуқсонини баён қилиш билан бошлаб, афсус-надоматлар чекиб, бу иллатларнинг сабабини очиб кўрсатишга интилади. Ғафлат, нодонлик, илмсизликнинг ҳалокатли оқибатларини излайди. “Мактаблар ичра бир гўзал авлод” йўқлиги, шу учун ривожу равнақ тўхтагани, “миллатнинг инқирозига бу бир гувоҳ” эканлигини ачиниб ёзади. Камбағал халқ эзилган, йўлини йўқотган, бойларда ҳиммат ва карам йўқ, айшу ишратдан бошқа нарсани билмайдилар. Шоир аламли оҳангда ёзади:

*Хайфоки бу замонда ҳама кас асири айш,
Фикри мутеъи ишрату мафтуни бодадур*³⁴.

“Тухфату-л-аҳбоб” номли ўзбекча шеърлар тўплами эса 1912 йили Тошкентда Порцев матбаасида чоп этилган ва унда 1832 байт лирик мерос жамланган. Дарҳақиқат, китобнинг сарғайган саҳифаларига “маъни назар” билан боқилса, бу “замон аҳволининг баёни” эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шу жиҳатдан, айниқса, шоирнинг “таржеъбанди орифписанд” (520 мисра) ва “Таркиббанди насиҳат-пайванд” (56 мисра) сарлавҳали икки шеъри характерлидир. Ҳажман каттагина ҳар икки шеърда ҳам миллатнинг дарду ҳасратлари ва ночор аҳволи маҳзун сатрларда ифодаланиши билан бирга, уни шу кўйга туширган сабаблар ҳамда ундан қутулиш йўллари ҳақидаги фикрлар бадий тасвир воситалари орқали мисралар қатига сингдирилади. Чунончи, шоир Туркистон бир замонлар дунё маданиятининг меҳвари бўлганини таъкидлаб, уни булбулга, босқинчиларни эса зоғча-қузғунга қиёс қилади:

*Миллати исломимиз ўлди зароб,
Булбул уйини ватан этди ғуроб.*

³² Васлий Самарқандий. Тухфатул-аҳбоб. – Тошкент: Порцев матбааси, 1913. – 109- бет

³³ Ўша манба. 112- бет

³⁴ Ўша жойда.

Ишқий лирикада шоир адабиётимиздаги анъанавий мавзуга, яъни “ишқи ҳақиқий”га содиқ:

*Саҳарда хоби гафлатдан мени бедор қил, ё раб,
Дилимга бир боқиб ганжинан асрор қил, ё раб.*

Унинг қалби ҳамиша “ҳақ ишқи билан маст, шунинг учун ҳам “ўзи” “безор қил” ишини сўраб муножот қилади:

*Мени ёдингдан ўзга нарсаларга қилма саргардон,
Шукуҳи мосуводан лутф этиб безор қил, ё раб.*

Ишқ Васлий шеърятининг бош мавзуси, негаки ишқ муқаддаси, инчунун, “Ишқни билмак учун орифи биллаҳ керак”, дейди шоир бир шеърда. Шоирнинг кузатишлари реал ҳаётнинг инъикоси эканлигини шу ҳам тасдиқлайдики, “ўн минг нафарнинг бир нафари ўлди аҳли илм, ул ҳам ҳамиша мотам андуҳ ила низор”. Яъни, ўқимишли, саводхон, оқ-қорани таниганлар жуда кам, лекин шулар ҳам хору зор яшамокда. Васлийнинг бу фикрлари Фитрат, Бехбудий, Чўлпон, Ажзий каби тараққийпарвар зиёлилар қарашлари билан ҳамоҳанг эди. Васлий жаҳолатни, илмсизликни миллат, халқнинг душмани, деб билади. Жоҳиллар ишбоши, мажлисларнинг раиси, улар ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйламайди, фитна-фасодни авж олдиради. Жоҳил одамда олий мақсад йўқ, у ахлоқни, динни ҳам оёқ ости қилиб кетаверади.

*Ҳар шаҳру куйқамаледур жаҳл тавридан,
Анвои шару шўр иладўлди бу замон.*³⁵

Шоирнинг бу сатрлари замирида огоҳлантириш ва ўз миллатига дардли даъват ётади. Назаримизда, Васлий ижодиётини унинг ўз замонаси руҳи билан ҳамнафас, ҳамқадам ғоявий камолоти нуқтаи назаридан шартли равишда уч босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, Васлий лирикасининг асосий ўзагини мумтоз услубдаги ишқий лирик шеърлар ташкил этади. Бу мавзудаги асарларида шоир дунёвий муҳаббатни ва умумбашарий инсоний фазилатларни васф этади. Аммо ушбу руҳдаги

³⁵ Васлий Самарқандий. Тухфатул-ахбоб. – Тошкент: Порцев матбааси, 1913. – 108- бет

ғазалларида шоир баъзан ўз даври билан боғлиқ бўлган айрим ижтимоий ва тарбиявий-ахлоқий масалаларга ҳам муносабат билдириб ўтади. Бадиий услуб, тимсоллар, ғоявий мазмун ва мавзу нуқтаи назаридан Васлийнинг ишқий лирикасини, шунингдек, ўзбек ва тожик мумтоз адабиётининг машхур намояндалари шеърларига ёзган мухаммас, мусаддас каби асарларини шоир ижодий фаолиятининг биринчи босқичи сифатида эътироф этиш мумкиндир. Унинг Лутфий, Навоий, Камол, Саййидо, Нозим, Амир Хисрав, Фузулий, Муқимий, Фурқат ғазалларига ёзган гўзал мухаммаслари янги маъно ва мазмун, янги бадиий тасвир унсурлари билан тўлдирилган ҳолда бетакрор санъат дурдоналари сифатида кўзга ташланади. Жумладан, Муқимийнинг “айлаб келинг” радифли ғазали оҳангидаги ушбу шеърга эътибор қилинг:

Бир кеча ҳужрам сари жосоно шитоб айлаб келинг,

Ой каби рухсорингизни бениқоб айлаб келинг.

Офтоби оразингиз бирла тунни кун қилиб,

Шум рақибим учраса қаттиқ итоб айлаб келинг...

Васлийи ожиз дуоси бўлгусидур мустажоб,

*Қасди бир неча дуои мустажоб айлаб келинг.*³⁶

Васлий ижодиётини биз шартли равишда ажратган бу қисми ёлғиз ошиқона лирика билан чегараланиб қолмаган. Хусусан, шоир Фузулий ғазалига ёзган бир мухаммасида ижтимоий мавзуга ҳам мурожаат этади:

Булбула афғон бериб, тўтини қилмиш навҳазан,

Лолая қон ютқузуб қумрия допиурмуш расан,

Ҳушманд ҳайрон эдуб аҳмаққа ўргатмуш суҳан,

Давр жаврин гўрки нузҳатбахши аҳли завқ экан,

*Жўйбори гулшану занжири зиндон айламиш*³⁷.

Фикримизча, ушбу руҳдаги асарлар шоирнинг Бухоро даври ижодий фаолиятига мансуб бўлиб, уларда мумтоз адабиёт анъаналари таъсири ва кучли лиризм яққол кўзга ташланиб туради. Васлий ижодиёти ғоявий

³⁶ Васлий Самарқандий. Тухфатул-ахбоб. – Тошкент: Порцев матбааси, 1913. – 36- бет.

³⁷ Ўша манба. 67- бет.

йўналишида ижтимоий фаоллашув ҳодисасининг кейинги босқичига шоирнинг ўзи замондош бўлган ёки бадиий ижод майдонида ўзига тенг бўлган шоирлар асарларига ҳамоҳанг, ҳамфикр тарзда яратган асарларини киритиш мумкин. Бундай шеърларда шоирнинг ижтимоий ҳаётни тараққийпарвар шоир кўзи билан кузатиб, унинг иллатларини сезгирлик билан илғаш ва кескин қоралаш ҳоллари намоён бўлади. Шоир бу йўналишида Сабрий, Хислат, Камий, Шоик, Шавкат, Ҳилмий, Фикрий, Туғрал, Осий, Навҳа кабилар асарларига мухаммаслар яратади. Биз юқорида шоир ижодий фаолиятининг Бухоро даврини ажратиб кўрсатиб, унинг ғоявий-бадиий хусусиятларини қисман тавсифлаб бердик. Шоир ғоявий-ижодий камолотининг иккинчи босқичи деб таъкидлаётганимиз ҳодиса эса, фикримизча, шоирнинг Самарқанд даври фаолиятини ўз ичига олади. Бу даврда Васлийнинг шахсий ҳаёти ҳасби-ҳоли тафсилотлари ҳам, назаримизда, унинг лирикасининг ижтимоийлашуви, шеърларида реал воқеълик таъсирининг кучайишига туртки бўлади. Шоирнинг Хислат ғазалига ёзган қуйидаги мухаммаси фикримизнинг далили бўлиши мумкин:

*Рақиблар уйлари ёнсунки ёримдин аюрдилар,
Вале ақлим, ҳушим, фаҳмим, шиоримдин аюрдилар,
Шикебим, ихтиёрим ҳам виқоримдин аюрдилар,
На деб қон йиғламай, ё Раб, нигоримдин аюрдилар,
Суманбар, сарвқад чашми хуморимдин аюрдилар...
Куюб ўлсам агар парвонадек таън айламанг дўстлар,
Кўзимдан оқса ёш дурдонадек таън айламанг дўстлар,
Паришон сўзласам мастонадек таън айламанг дўстлар,
Югурсам ҳар тараф девонадек таън айламанг дўстлар,
Олиб ақлу ҳушим сабру қароримдин аюрдилар.³⁸*

Шоирнинг тожик тилида ёзган “шикоят”, “фалак”, “офариданд”, “карди”, “бошад”, ўзбек тилидаги “ўлғай”, “хирседай”, “анга” радифли ғазаллари ҳам шу йўналиш ва услубдаги асарлардир.

³⁸ Васлий Самарқандий. Тухфатул-ахбоб. – Тошкент: Порцев матбааси, 1913. – 63- бет

Васлий Самарқандий ҳаётининг охириги ўн йиллари, яъни 1909 йиллардан кейинги даври унинг ижодининг ғоявий жиҳатдан етила борган даври ҳисобланади. Шу йили шоир Ҳамза билан учрашади. Бу учрашувнинг ва кейинги адабий мулоқотларнинг бетаъсир кечиши, албатта, мумкин эмас эди. Шоир:

*Фарёдким бир макотиби обод қолмади,
Мактаблар ичра бир гўзал устод қолмади.*³⁹

Ёки:

*На кори мадраса нағз, на тарзи мактаб хўб,
Хароб усули таълиму шеваи тадрис*⁴⁰, - дея замона

ҳукмдорларининг мактаб ва маориф ишларига эътибор бермаганликларини қоралайди. Шоир “Таркиббанди насихатпайванд” деб номланувчи шеърда давр таълим-тарбия усулининг мутлақо яроқсиз эканлигини кескин танқид қилади. Шоир ғоявий дунёқараши такомиллашуви ва ижодининг тобора кўпроқ ижтимоий оҳанг касб этиши жараёнининг айнан шу даври унинг ижодий фаолиятининг якунловчи босқичи ҳисобланади. Бу даврда шоир публицистика жанрига фаол мурожаат этиб, замонасининг вақтли матбуотида билимсизлик, нодонлик, жаҳолатга қарши ўз норозилигини баён этган мақола ва шеърлари билан тез-тез чиқиб турарди. Васлийнинг “Туркистон вилоятининг газети”, “Садои Фарғона”, “Ал-Ислоҳ”, “Шўро” каби газета ва журналларда чоп этилган мақолалари диққатга моликдир. Жумладан, “Туркистон вилоятининг газети”да босилган бир мақоласида шоир, жумладан, шундай ёзади:

“... ағниёларимиз бепарво, ҳукмронларимиз бесайъ ва мусоҳилакор ва уламоларимиз танпарвар ва беривож, ҳеч ким илм ҳолига боқмас, ағниёларга танга ва сўм бўлса бўлур” (Т.В.Г. 1906, №7).

Хуллас, Сайидахмад Васлий Самарқандий ижодиёти замонаси ва даври хусусиятлари билан изоҳланиши лозим бўлган айрим камчиликлар ва

³⁹ Васлий Самарқандий. Тухфатул-аҳбоб. – Тошкент: Порцев матбааси, 1913. – 115 –бет.

⁴⁰ Васлий Самарқандий. Армуғони дўстон.- Самарқанд: Демуров матбааси, 1909. – 51 – бет.

карама-қаршиликлардан холи бўлмаса-да, у ўзига хос бадий жихатлари, маърифий-тарбиявий аҳамияти, тарихий қиммати билан халқчиллик ғояларининг тарғиб этилиши нуқтаи назаридан бугунги давр абиётшунослиги эътиборидан асло четда қолмаслиги лозим бўлган ҳодисадир.

“Тухфатул-аҳбоб”нинг ғоявий-бадий хусусиятлари ҳақидаги хулосалар қуйидагилардан иборат:

1) девондан Васлий ижодининг бир неча йиллар давомида ёзган турли жанрлардаги шеърлари жой олган. Шеърлар орасида ҳамд-наътлар ҳам, ғазал, мухаммас, рубоий, таржеъбанд ва мувашшаҳлар ҳам бор. Шеърларнинг тилида баъзан озарбайжон, татар тили унсурлари акс этган. Бу ўша давр хусусиятидир;

2) девоннинг фазилатларидан бири шуки, унда ҳамду наътлардан кейин “Насихат”, “Тарғиб”, “Тилсими ибрат”, “Ташвиқ”, “Фи-т-таваккул”, “Фи-р-ризо” каби сарлавҳалар билан маърифий-дидактик асарлар келтирилади. Бу бевосита девоннинг илмий ва маърифий қимматини оширади;

3) девон шеърларининг ғоявий мазмуни турлича: унда соф дунёвий муҳаббатни куйлаган шеърлар ҳам, аралаш мазмундаги шеърлар ҳам бор. Аммо, дадил айтиш мумкинки, “Тухфату-л-аҳбоб” девонининг етакчи ғояси – миллатни уйғотиш, мактаб-маорифни ислоҳ қилиш, илм ўрганиб, дунёни, ўзликни англаш, жаҳолатдан қутулишга даъват ғоясидир.

Хуллас, ушбу девон шоир Васлий Самарқандий ғоявий дунёқараши ва шеърятининг бадий-эстетик тамойилларини ўзида мужассам этган қимматли асарлардан биридир. Шундай қилиб, Сайидахмад Васлий Самарқандий ўз даврида кенг қамровли, истеъдодли адиб сифатида танилган, асарлари вақтли матбуот ва турли-туман нашрлар, қўлёзма нусхалар орқали эл орасига ёйилиб, эътибор қозонган эди. У гарчи асосан мударрислик билан шуғулланган бўлса-да, бироқ фаол ижодкор инсон бўлган. Тошкент, Қўқон, Бухоро, Каттакўрғон каби шаҳарларга сафарлар уюштирган, хур фикрли зиёлилар, шоирлар билан учрашиб, дўстона муносабат ўрнатган. Натижада, бир томондан, Васлийнинг ўзи бу сафар ва мулоқотлардан баҳраманд бўлган

бўлса, иккинчи томондан, илғор ижодкорлар ва аҳолининг Васлий ҳақидаги ижобий фикрлари шаклланишига сабаб бўлган. Шунинг ҳам қайд этиш керакки, Васлий нафақат шахсан таниш ижодкорлар билан илиқ муносабатда бўлиб, мактублар йўллаган, балки ўзларини танимаса ҳам китоблари, шеър ёки мақолаларини ўқиш орқали ҳам айрим муаллифлар билан ғойибона дўстлашганига гувоҳ бўламиз. Замондошлари ғазалларига боғланган мухаммаслар шундан далолат беради. Бу мухаммаслар ижодий ҳамкорликнинг яхши намунаси, ҳам туйғу, ҳамфикрлилика мисолдир.

XIX аср иккинчи ярми XX аср бошлари Туркистон ҳудуди шоирлари ижодида яққол кўзга ташланиб турган хусусиятлардан бири уларнинг икки ёки уч тилда бир хил бадиий санъаткорлик билан ижод қилганликларидир. Бу ижодий анъанадан Васлий Самарқандий ҳам четда турмаган. Васлийнинг форс-тожик тилидаги ижодидан ҳам ажойиб ёдгорлик қолган. Бу унинг “Армуғони дўстон” номли биринчи шеърлар тўпламидир. Унда Васлийнинг асосан тожик тилида яратилган 7000 мисрага яқин бадиий ижод маҳсули жой олган. Форсий шеърлари ўша давр адабий муҳиtida Васлий ўрни ва иштироки ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ҳам кўмаклашади. Маълумки, биз таҳлил этаётган даврда яратилган девонларга уларни ўқиб чиққан машҳур шоирлар “таърих” ёзганлар. Унда девоннинг бадиий қиммати ҳақида мухтасар фикр баён этилиб, унинг таҳлилий даври абжад ҳисоби билан бирор сўз ёки иборада ифода этилган. Бу кичик “таърих”лар ҳозирги адабиётшунослик фани тушунчасида ўзига хос тақриз, маъносига тўғри келади. Жумладан, Васлий ўзига замондош шоир Мирзо Ҳодийнинг 1912-13 (1331 ҳ) (1331) йилда Қўқонда чоп бўлган девонига таърих ёзар экан, муаллиф бу девонни юзага келтириш билан ҳақиқий илм ва фазилат арбоблари наздида баланд мартабага эришди, дея таърифлайди:

Таърихи ал-табъ аз мавлоно Васлий Самарқандий

Ҳодий он шоири сухан ширин,

Гуфт ашъори дилкашу дилнишин.

Кард девону дод доди сухан,

*Ҳар касе дид мекунад таҳсин.
Гаит матбӯъу ёфт иззи қабул,
Назди арбоби фазлу илму яқин.
Васлӣ чун дид гуфт таърихаш,
Баҳри табъаш: «Китоби хубаш» бин.*

Мазмуни: У ширинсухан шоир (Мирзо Ҳодий) киши қалбига ёқувчи шеърлар битди. Шеърларини жамлаб девон тузди. Унинг ҳар бир сухани шу қадар ёқимлики, ўқиган киши беихтиёр унга таҳсинлар айтади. Шоир бу девонни юзага келтириш билан ҳақиқий илму фазл арбоблари наздида баланд мартабага эришди. Васлий ҳам бу девонни мутолаа қилди ва унга شېبو خ باتك (энг яхши (асл) китоб) дея таърих мисрасини битди⁴¹.

Васлийнинг форсий шеърятидан намуналар 1980 йилда Тожикистонда Душанбенинг “Ирфон” нашриётида чоп этилган “Гулшани адаб”⁴² деб номланган китобга киритилган. Ушбу мужаллад беш жилддан иборат бўлиб, Васлий шеърлари бешинчи жилддан ўрин олган. Китобда аввал шоирнинг қисқача таржимаи ҳоли берилган, шундан сўнг тўрт ғазал, икки қасида, икки китъа ҳамда саккизта рубоийлардан намуналар келтирилган. Жумладан, китобдан ўрин олган шоирнинг Бухорода яшаб ижод қилган даврида ёзган бир қасидаси – “Дар мадҳи нони Осиё”да шундай сатрлар бор:

*Аз Самарқанд боз омад як-ду нони Осиё,
Сер шуд дилҳо зи як нони калони Осиё...
Дар Бухоро нест пайдо инчунин нони лазиз,
Хосаи мулки Самарқанд аст нони Осиё...
Гарчи хони мост пур аз нони Жуйбори Бухор,
Орзу дорам, ки ояд нон аз они Осиё ...*⁴³.

Мазмуни: Самарқанддан бир, икки нони Осиё келтирилди, катта бир нони Осиё билан қоринлар тўйди, Бухорода бу каби ширин нон йўқдир, Самарқанд шаҳрининг мулкидир нони Осиё. Гарчи уйимиз Бухоро нонлари

⁴¹ Девони Мирзо Ҳодий. – Самарқанд, 1331.- С. 190.

⁴² Гулшани адаб.- Душанбе. – Ирфон нашриёти 1980.- 210 бет.

билан тўла бўлса ҳам, Осиё нонига орзумандман. Васлий Самарқандийнинг “Армуғони дўстон” деб номланган форсий девонидан ғазал, мухаммас, мусаддас, қасида ва мувашшахлар ўрин олган. Девонда ўзбек тилида битилган 20 дан зиёд ғазаллар ҳам мавжуд. Ғазаллар девон тузиш анъаналарига хос тарзда араб алифбосининг 28 ҳарфи билан тугалланувчи радифларда ёзилган. Шеърятда аруз вазни ва мумтоз адабиётдаги бадиий санъат воситаларининг барча турларига доир намуналар учрайди. Девондан ўрин олган шеърлар ўткир маърифий руҳ касб этган. Чунончи, шоир аввалги бобларда баён этганимиздек, миллат ғами билан ўртанади, миллат келажаги ҳақида қайғуради. Миллатни тўғри йўлга солмоқ учун эса уни маърифатли қилиш зарур. Аммо Васлийнинг назарида ўқитиш тизими носоз ва аҳли муаллиму мударрис ҳануз жаҳолат ботқоғидан чиқа олмаётирлар:

*Расидаем ба жое зи фарти ғафлату жаҳл,
Касе ба равнақи миллат накард саъйи салис*⁴⁴.

Мазмуни: жаҳолат ва нодонликдан шу даражага етибмизким, ҳеч бир киши миллатимиз ривожу равнақи учун саъю-ҳаракат қилиб курашмайди.

Хуллас, ушбу бобдан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Чунки шоир Васлий ижодий меросида, имконият даражасида аниқлашимизча, чала қолдирилган, ниҳоясига етказилмаган бирор асар ёки шеър учрамайди. Васлийнинг ҳар икки девони ҳам ўз даврида ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олингани, баҳс-мунозарага сабаб бўлганини кўрдик.

1. Сайидахмад Васлий Самарқандий ўз даврида кенг қамровли, истеъдодли адиб сифатида танилган.

2. Унинг ижодида мумтоз лирик асарлар қаторида маърифатпарварлик руҳидаги шеърлар ҳам анчани ташкил этади.

3. Шоир, аввало, миллатсевар, жонкуяр бир ижодкор шахс сифатида ўз даврининг илғор зиёлилари билан ҳамқадам бўлган, халқни илм-маърифатга ундаган.

⁴³ Васлий Самарқандий. Гулшани адаб. Намунаи назм иборат аз панж жилд. (Тарт: Афсаҳсод А, Сулоймонова Л, Дадалишоев Ж. Мухаррир Киром Қ.)- Душанбе: Ирфон, 1980.- 421-с.

⁴⁴ Васлий Самарқандий. Армуғони дўстон. Самарқанд: Демуров матбааси, 1909.- 51- бет.

II БОБ. ВАСЛИЙ САМАРҚАНДИЙ ИЖОДИНИНГ ҒОЯВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1 Шоир ижодида ишқий, ахлоқий ва маърифатпарварлик ғояларининг акс этиши

Бадиий адабиётда ижодкор мақсади, инсон ва жамият хусусидаги ўй-хаёллари бадиий тафаккур билан уйғун ҳолда унинг моҳиятини белгилашда муҳим ўрин тутadi. Мукамал жамият, унда илм-маърифат ва адолат устуворлигига доир орзулар инсон яралгандан буён у билан ҳамроҳ. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида шаклланган янги қарашлар бадиий ижодга янги жанрларнинг кириб келиши жараёнида ҳам маърифат тушунчаси етакчилик қилди. XX аср бошларида янги адабиёт ва янгича адабий қарашлар замирида жаҳид адабиётшунослиги майдонга келди. Миллат истиқболига ўзини маъсул санаган ҳар бир ижодкор адабиётнинг, аввало, ижтимоий фойдали мавзунини тасвирлаши тарафдори эди. Шу боис анъанавий образлар танқид қилинди. Зеро, Б.Саримсоқов айтганидек: “Ҳар бир асар ёзувчининг бадиий нияти асосига қурилади. Белгиланган мақсад яратилаётган асарнинг шакл ва мазмунини тайин этишда муҳим ўрин тутadi. Бадиийликнинг мукамаллигини англатувчи мезонлардан бири мазмун ва шакл бирлигидан ташқари ҳар иккисининг ижодкор идеали билан нурланган уйғунлиги ҳам мавжуд”⁴⁵.

XIX аср охири – XX аср бошларидаги адабиёт маърифатчилик бўёғининг қуюқлиги, руҳий кечинмалари, қалб эврилишларидан кўра кўпроқ ижтимоий мазмун билан ажралиб туради. Ўтмиш адабиётидан фарқли ўлароқ миллий уйғониш даврида маърифат ғоядан амалий ҳаракатга айланди. Миллий уйғониш ғояларига таянган жаҳидлар ўз юртини озод ва обод кўриш истаги билан чекланмай, унинг тараққий этган мамлакатлар қаторига чиқишини орзу қилгандилар. Мазкур ҳаракатнинг фаолларидан бири Саидахмад Васлий миллатни бирдамликка чорловчи маърифатпарварлик руҳидаги асарлар билан нафақат адабиёт, балки

⁴⁵ Саримсоқов Б. Адабиётда шакл ва мазмун муносабатларининг айрим муаммолари // ЎТА. 1997.- Б11.

жамият ва миллат ҳаётида юксалиш босқичини бошлаб берди. Саидахмад Васлийдан бизгача лирик турнинг ғазал, мусаддас, марсия, таърих, қитъа каби жанрларида икки минг мисрага яқин шеърни ўз ичига олган адабий мерос етиб келган. Шеърлари XX аср бошларида вақтли матбуотда, тазкира ва баёзларда нашр этилган. Ўз даври адабий муҳиtida фаол иштирок этгани, айниқса, Муқимий, Камий, Мавлавий Йўлдош, Хислат, Сидқий Хондайлиқий, Ҳазинийлар билан яқин алоқада бўлганлиги, улар ижодига муносабати, ғазалларига назира, мухаммаслар боғлаши ҳам унинг етук ижодкор бўлганидан дарак беради. Абдулла Авлоний тил ва адабиётни “Миллат ойнаси” деб атади. Мирмуҳсин Шермухамедов “Қани замонаға муносиб миллий шеърлар майдонга чиқсун” деган фикрни ўртага ташлайди, анъанавий шеърятдаги ишқ мавзуи ижтимоий воқелик талқини билан ўрин алмашади. Маълумки, ғазал шарқ халқлари классик поэзиясининг энг кўп тарқалган лирик жанрларидан. Фақат мумтоз шеърятida ғазал асосан ишқ-муҳаббат мавзуида битилган бўлса, XX аср бошида ғазал миллат дардини ифодалади, юрт истиқболи учун қайғуриш, унинг таназзул гирдобига тушганидан изтироб туйғуларини акс эттирди. Ижтимоий мавзудаги шеърлар орасида табиат тасвирига бағишланганлари ҳам бор. Саидахмад Васлийнинг “Баҳор” шеъри бунинг исботидир. Зоҳиран табиат тасвири ифодаланган шеър моҳиятан шоирнинг ички, руҳий ҳолатини акс эттирган. Бу шеърда табиат тимсоллари ҳам ўз маъносида, ҳам рамзий маънода келган. Васлий табиатнинг реал тасвирини мақсад қилмаган. Миллат дардини, жамиятдаги инқироз ҳолатини рамзлар воситасида таъсирчан ёрқин ифодалайди. Шоир:

Бир ёнда гул чечаклар отуб нур чаман,

Бир ёнда булбул оҳ чекур эътизордан.

Агёринг олди гулнинг гулобин териб-териб,

Гулшан хазона дўнди тушиб эътибордан, - дея мустамлака

сиёсатининг оғир оқибатларини гул, булбул, гулшан хазон сингари анъанавий тимсолларга янгича мазмун юклаш орқали тасвирлайди.

Профессор А.Ҳожиаҳмедов тўғри таъкидлаганидек: “Шеърӣ санъатлар бадий асардан ўрин олган ғояларнинг ҳаётӣроқ, таъсирчанроқ ифодаланишига, лирик ва эпик образларнинг ёрқинроқ гавдалантирилишига, мисралар, байтлар, бандларнинг муסיқийлиги, жозибадорлигини таъминлашга хизмат қилади”. Булардан ташқари, мухаммас жанридаги назмӣ асарларда мумтоз шеърӣятига хос тахмис, тазмин каби бадий санъатлардан маҳорат билан фойдаланилган”. Жади́дларнинг Туркистон халқига маърифат тарқатишдаги хизматлари бекиёсдир. Улар маънавий-маърифӣй рухдаги, ўткир публицистик мақолалари билан миллатни уйғотишга, жаҳолат исканжасидан маърифат юксаклигига олиб чиқишга интилди. Васлий биргина динӣй билимлар билан чегараланиб қолмай, дунёвий билмларни ҳам ўрганиш зарурлигини уқтиради. Жаҳолатда қолган “қора халқнинг оқариши”да бирдан-бир восита маърифат эканини алоҳида таъкидлайди. Шундай қилиб, Сайидахмад Васлий Самарқандӣй ўз даврида кенг қамровли, истеъдодли адиб сифатида танилган, асарлари вақтли матбуот ва турли-туман нашрлар, қўлёзма нусхалар орқали эл орасига ёйилиб, эътибор қозонган эди. У гарчи асосан мударрислик билан шуғулланган бўлса-да, бироқ фаол ижодкор инсон бўлган. Тошкент, Қўқон, Бухоро, Каттакўрғон каби шаҳарларга сафарлар уюштирган, хур фикрли зиёлилар, шоирлар билан учрашиб, дўстона муносабат ўрнатган. Натижада, бир томондан, Васлийнинг ўзи бу сафар ва мулоқотлардан баҳраманд бўлган бўлса, иккинчи томондан, илғор ижодкорлар ва аҳолининг Васлий ҳақидаги ижобӣй фикрлари шаклланишига сабаб бўлган. Шунини ҳам қайд этиш керакки, Васлий нафақат шахсан таниш ижодкорлар билан илиқ муносабатда бўлиб, мактублар йўллаган, балки ўзларини танимаса ҳам китоблари, шеър ёки мақолаларини ўқиш орқали ҳам айрим муаллифлар билан ғойибона дўстлашганига гувоҳ бўламиз. Замондошлари ғазалларига боғланган мухаммаслар шундан далолат беради. Бу мухаммаслар ижодӣй ҳамкорликнинг яхши намунаси, ҳамтуйғу, ҳамфикрлиликка мисолдир. Васлийнинг келтирилган саломнома (ёки мактуб) шеърлари, унга жавобан

юборилган саломномаларни янги даврда шаклланган ўзига хос адабий мактуб жанри, дейиш мумкин. Зеро, бу мактубларда мактов-мадҳия ҳам, руҳлантирувчи ғоялар ҳам, маслакдошлик туйғулари ҳам акс этган. Васлий Самарқандий шу тарика қадимий адабий анъаналарга содиқ қолиш билан бирга, янги усул ва услублар қўллаш йўлидан бориб, жамоатчилик диққатини тортадиган асарлар ёзишга эришган. Кейинги кузатишларимиз буни яна-да, ёрқинроқ тасдиқлайди. Сайидахмад Васлий Самарқандий ўзининг сермахсул ва баракали ижоди билан адабиётимизнинг маърифатпарварлик ва анъанавий йўналишдаги тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Адиб ва шоир Васлий ишқий, ижтимоий, ахлокий, маърифий мавзуларда кўплаб асарлар яратди. Унинг бу асарлари ўз даврида Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари матбааларида чоп этилди. Улар орасида Васлийнинг адабий фаолияти, фалсафий дунёқараши, ҳаёти ва фаолияти тафсилотларини ўрганишда асосий манба бўла оладиган икки шеърий девони ва тасаввуф руҳидаги “Назму-с-силсила” асари алоҳида аҳамиятга эга. Олим ушбу тадқиқотида Васлийнинг 1909 йилда Самарқандда Демуров матбаасида босилиб чиққан 7000 мисрага яқин тожик тилида ёзилган шеърлари жой олган “Армуғони дўстон” ҳамда 1913 йилда Тошкентдаги Порцев матбаасида нашр этирилган 4000 мисрадан иборат ўзбек тилидаги “Тухфатул-аҳбоб” номли шеърий тўпламлари ҳақида маълумот беради. Шунингдек, олим Васлий умрининг охириги йилларида ёзган шеърларидан ташкил топган, нашрга тайёрланган бўлса-да, босилмай қолган, ҳозирча қўлёзма нусхаси ҳам топилмаган “Девони авохири умр”⁴⁶ номли мажмуаси бўлганлиги ҳақида хабар беради.

Шоирнинг яна “Нафъу-т-толиб” (Ўқувчилар манфаати) ва “Адабу-д-дин ёхуд миллий шеърлар” деб аталган асарлари ҳам мавжуд. “Адабу-д-дин ёхуд миллий шеърлар” асарининг мусахҳих ва ношири Мунавварқори бўлиб у ҳижрий 1328, милодий 1910 йилда Тошкентдаги В.М.Ильина типографиясида литография усулида нашр қилинган. Асар муқаддимасида ушбу рисола ҳақида қўйидагича аннотация берилган:

⁴⁶ Васлий Самарқандий. Девони авохири умр.. 214-215 бетлар.

“Бу рисола миллати исломиянинг аҳволи ҳозирасини энг маъюсона ва мустадғиёна бир тариқ ила тасвир этмиш. Ҳасрат ва надомат манзумаларидин иборатдур”⁴⁷.

Асар ҳамд билан бошланади. Шундан сўнг шоир ўз замонасидаги аҳволи ҳақида нола қилади. Васлийни илму маърифатга бўлган эътиборсизлик жиддий ташвишга солади. Бу ташвишларнинг давоси маърифатли авлодни вояга етказиш эканини англаб етган шоир, асар сўнгида миллат ёшларини илму маърифатга чорлайди. Ўзбек ва тожик тилларида тартиб берилган икки девондан ташқари, Васлий Самарқандийнинг Ҳазрат Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собитга бағишланган “Ал-Калом ул-афхам фий маноқиб ил-Имом ил-Аъзам” (“Имоми Аъзам ҳаёти ҳақида қимматли сўзлар”) деб номланган таржима асари, “Нафъу-т-толиб” (“Ўқувчилар манфаати”, 1914) ва “Таълим ва билдирмоқнинг фойдалув ўлмоғи” (1914) каби асарлари шулар жумласидандир. Васлий ижодий фаолиятининг ғоявий-бадиий характери, устувор тамойиллари у яшаган давр ижтимоий-сиёсий шароити, адабий муҳити анъаналари билан ҳам боғлиқ эди. Абдулла Авлоний, Сўфизода, Фикрий, Ажзий, Ҳамза Ҳакимзода, Сидқий Хондайлиқий каби Сайидахмад Васлий ижодида ҳам ижтимоий воқеликка муносабат масаласида кўзга ташланган маълум бир умумият ҳодисаси, назаримизда, юқоридаги сабаблар билан изоҳланади. Шу давр шоирлари ва ёзувчилари ижодининг асосий мавзуси “Ватан харобасининг ислоҳига интизорлик”, Ватан, миллат, халқ келажагига умид кўзи билан қарашдан иборат эди. Улар янги бир ҳаётни, миллатнинг боши сарбаланд, онги равшан, ҳаёти фаровон жамиятни орзу қилар эканлар, бундай ҳаётга эришиш йўлини фақат халқ орасида маориф ва илғор маданиятни тарқатиш, уйқудаги авомни илму фан ёрдамида уйғотиш, кўзини очиш орқали амалга ошириш мумкинлигини оташнафаслик билан тарғиб этадилар. “Сиёсий маслак ва мақсадларга тушуна ва ўргана берган” Абдулла Авлоний бу борада шундай ёзади:

⁴⁷ Васлий Самарқандий. Адабуд-дин.- Тошкент: Илгин матбааси, 1910. 24-бет.

*Гарчи мен маъюсу пурғам миллатим аҳволидин,
Қатъи уммид айламам таъмин истиқболидин*⁴⁸.

Васлий Самарқандий Туркистон миллати бўлмиш мусулмонларни тараққий этаётган халқлардан орқага қолдираётган нарса жаҳолат, деб тушунади. У “жаҳолат дардига фақат маърифат билангина даво қилмоқ мумкин”, - деган хулосага келади. “Ҳар давлат ва миллатни тараққийсини энг боши илмдур. Илмсиз тоифа мевасиз дарахт каби эрур”, - деб ёзади шоир “Туркистон вилояти газети”нинг 1904 йил 2 сентябрь (27, 7-б.) сониди босилган “Самарқанд рус-тузем мактаби” номли мақоласида. Унинг фикрича, ҳар бир давлат маориф тизими, хусусан, бошланғич мактаблар аҳволидан яхши хабардор бўлмоғи, бу соҳанинг иқтисодий таъминотида ҳиммат кўрсатмоғи, аҳолининг барча табақалари фарзандларини, албатта, ўқитиш лозимлигига тарғиб ва ташвиқ қилмоғи зарурдир. Васлий тажрибали мударрис ва мураббий сифатида давлат раҳбарлари мактаб дастурлари ва мактабдор домлаларни вақт-вақти билан текшириб, имтиҳон қилиб туришлари лозимки, токи улар халқнинг фарзандларини “жоҳил, нодон ва ашрор” қилиб қўймасунлар, деб ҳисоблайди... Васлий ушбу мақоласида ниҳоятда доно сиёсатдон сифатида кўзга ташланади. У ҳар бир ҳуқуқий давлатнинг фуқароси, албатта, ўз дини ва миллати, ўз тили ва хатини яхши ўрганиши керак, дейди. “Ондин сўнг,- деб ёзади шоир, давлатнинг тил ва хатини билмоққа тарғиб қилсун. Зероки, фуқаронинг аҳқому одобдин воқифлиғи давлатга фойдалидур”⁴⁹.

“Давлатнинг тили ва хати” деганда, шоир мустамлакачи давлат тили – рус тили ва ёзувини назарда тутади. Шоирнинг таъкидлашича, зинҳор давлатнинг барча фуқаролари фақат шу давлат тили ва ёзувини билиш билангина чегараланиб қолмасликлари лозим. Бу ерда “давлат” деганда шоир “ҳукумат”ни назарда тутади. Яъни халқ ўз дини ва миллати тилини биринчи навбатда яхши ўрганмоғи лозим. Агар шундай қилинмаса, жамиятда ёмонлик

⁴⁸ Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. (қосимов Б. Юсупов Ш, Долимов У, Ризаев Ш, Аҳмедов С.)- Тошкент: Маънавият, 2004. -295- бет

⁴⁹ Васлий Самарқандий. Самарқанд рус-тузем мактаби// Туркистон вилоятининг газети.1904.- №35.- 7-бет.

кўп бўлур. “Ёмон қилмоқ билмаслукдин бўлур. Билмаслук аҳкоми динни ўқимасликдин бўлур”.

Хуллас, шу ўринда мутафаккир олим Васлий Самарқандий фикрларининг нечоғли умумбашарий, барча замонлар учун бирдай фойдали эканлиги кўзга ташланади. 130 йиллик истибдод йиллари давомида бизнинг халқимиз худди шундай қисматга мубтало бўлиб, ўз дини, кадриятлари ва тилини қарийб унутиб юбораёзди.

2.2. Васлий - зуллисонайн ижодкор

Васлий Самарқандий фақат истеъдодли зуллисонайн шоир бўлиб айрим девонларини форс-тожик тилида ёзган. Шу билан бирга у зукко насрнавис адиб, ўз даври воқеа-ҳодисаларига ҳозиржавоблик билан муносабат билдирувчи қалами ўткир публицист ҳам эди. Шоир ўз форсий девонига бир қатор ўзбек тилида ёзилган ғазалларни ҳам киритган. Девоннинг 12, 18, 42, 44, 45, 46, 48, 61, 62, 63, 64, 66, 68, 83, 88, 89, 91, 97, 128, 165⁵⁰ ва бошқа баъзи саҳифаларида шундай ғазаллар жойлаштирилган. Бу ғазаллар ҳам орифона, ошиқона-фалсафий, ижтимоий-маърифий руҳда ижод этилган. Ғазалларни ўқиб, шундай фикрга келамизки, шоир Васлийни хоҳ у тожик тилида, хоҳ туркий тилда ижод қилсин, бир нафас ҳам инсон маънавий камолоти масаласи холи қолдирмайди. Ёш авлодга панду ўғит бериш, насиҳат қилиш унинг маънавий эҳтиёжига айланган. Девоннинг 97-саҳифасидан ўрин олган мана бу ғазал шу руҳда ижод этилган:

*Киме бечора бўлди, соҳиби фазлишиъор ўлгай,
Кишиким кибр қилди пеша, охир шармисор ўлгай.
Мани кўп моли жоҳим бор, дебон хор этма аҳли илм,
Киме илм аҳлини хор этти охир хору зор ўлгай.
Фалак юз минг балою фақрни бошимга тўнтарди,
Дуо айлай ки минг-минг юз балоларга дучор ўлгай.
Дил ила душману, тил бирла бўлма дўст оламда,
Қаю бир рози пинҳоники бордур ошкор ўлгай.
Фазойил аҳлига йўқ қадру из бесиму зарликдин,
Қаю фозилки йўқтур анда зар безътибор ўлгай.
Ризои Ҳақ муродинг бўлса зоҳир қил ниёзи ачз,
Азизеким, такаббур қилди Ҳақ олдида хор ўлгай.
Калиди давлату бахту саодат ажздур Васлий,
Кимеки ожизу бечорадур иқбол ёр ўлгай.⁵¹*

⁵⁰ Васлий Самарқандий. Армуғони дўстон. Самарқанд: Демуров матбааси, 1909 йил.

⁵¹ Ўша манба. – 97-бет.

Васлий ўз шеърятини ҳақиқий ишққа етишиш учун бир мажозий восита деб билади. У мажозий сурат ва бадиий завқ орқали илоҳий шавқу завқни, холик жамоли нуридан баҳраманд бўлишни орзу қилади. У бу орзусини шундай ифодалайди:

*Саъй дар ҳақиқат кун
нўш аз майи ваҳдат,
Нашъабахши таҳқиқ аст,
дилбари мажозихо.*

Мазмуни: эй, Васлий, ваҳдат майидан нўш этиб, ҳақиқат томон ҳаракат кил; бу мажозий дилбарлар ҳақиқат хуморини келтиради.

Шундай қилиб, зуллисонайн шоир ва жонкуяр мударрис Сайидахмад Васлий Самарқандий ўзининг форс-тожик тилида тартиб берган девонининг ҳам бадиий-эстетик жиҳатдан юқори сифатли бўлишига, ғоявий мазмун ва моҳият нуқтаи назаридан кенг қамровли ва тўлақонли қиёфа касб этишига эришди. Бу ҳодиса шоир яшаган давр матбуотида эътироф этилди. Васлийнинг форсий девони ўз даври тадвинчилик анъаналарига риоя қилинган ва баъзи жиҳатдан уларни ривожлантирган ҳолда юзага келди. Чунончи:

а) девон шоир яшаган даврда бадиий адабиётда фаол истифода этилган барча катта ва кичик лирик жанрлардаги асарларни ўз ичига олади;

б) девонга замона кишисини қизиқтирган ва ўша давр ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва маиший ҳаёти учун долзарб бўлган масалаларга доир асарлар киритилган;

в) девон поэтик санъаткорлик нуқтаи назаридан мактовга сазовор, унда илми аруз, илми қофия, илми бадеъ юксак даражада намоён бўлган.

Билдирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, Васлий Самарқандийнинг форсий меросини ҳам кенгроқ ва чуқурроқ ўрганмоқ, девонни нашр этириб, кенг илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этмоқ лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу нарсa бевосита шоир шахси ва у яшаб ижод этган давр ижтимоий-сиёсий ва адабий ҳаёти хусусиятлари ҳақидаги тушунчаларни тўлдирибгина қолмай,

бугунги кун ёшлари маънавий камолоти учун фойдадан холи бўлмаслигига имонимиз комил. Ҳозир босилмоқда бўлгон “Ал-фавойид ал-Мабсут” эса “ақойиди ғайри манкут”и арабийнинг ал-ибора шарҳи бўлиб, фасоҳат ва балоғати шоён истиҳсон ва мутолааси ҳар аҳли илмга маҳоват ила файзрасондур. Яна бу зот маъорифсамотнинг таолифкардаси ўлан “Асл ул-хакам” ва “Асос ул-ислом” ном форсий рисоалари илми ҳол ва ақойидға доир ва ҳейле масойили муҳумма ва зурурияи динийани маҳтум ўлуб, таълими тафҳими жумлаи макотиби исломия талабалариға аз жумлаи вожибатдур. Мазкур китоблардан истаган зот муаллифидан маълумот сўраса мумкиндур”. Шундан сўнг, бу асарларнинг фойдали жиҳатлари хусусида фикр билдирилиб, жумладан, улар ислом мактаблари талабалари учун ниҳоятда зарур эканликлиги таъкидланади. Қуйироқда эса, “Зажр ал-мағрур” асаридан олинган икки ҳадиснинг тожик тилдаги назмий ва насрий таржимаси “қории киромлар эътиборига тақдим” қилинади. Газетада бу асарнинг ёзилиши муносабати билан назм қилинган таърихлар ҳам берилган. Уларга кўра, Васлийнинг ҳадисларга ёзган шарҳи 1326 ҳижрий (1907 милодий) йилда яратилган. Мана улардан баъзилари:

Ҳазорон шукрки, ин зажри мағрур

Барои панди мардум гашти мактуб.

Ҳар он кас дид, шуд шод бигуфто:

Пайи тарихи «зебо панди марғуб».

Мазмуни: Минг-минг шукрлар бўлсинким, “Зажри мағрур” кишиларга панду насиҳат бобида ёзилди. Уни кўрган ҳар бир киши қувониб, битилган таъриҳини “Зебо панди марғуб”, - дейди.

Дар замони шоҳи Фаридун фар

Сайид Абдул Аҳад амири замон

Ин китоби хўбаста шуд матбуъ

Абжад ҳисобига кўра, «зебо панди марғуб» 1324 ҳижрий, милодий 1905 йил келиб чиқади.

Баҳри нафъи улуми хурду калон.

Соли табъаш бигуфт хирад

Мир сад ҳад панд ба бафурон.

Мазмуни: Шоҳ Фаридунга ўхшаш Саид Абдул Аҳад амир замонида катта-кичикнинг ақлининг ривожи учун бу беназир китоб чоп этилди. “Туркистон вилояти газети” (юқорида тилга олинган) Васлий Самарқандийнинг Қурбон Маҳмуд Олим Хўжандий (р.а.)нинг ислом қоидаларига тааллуқли “Ақойиди ғайри манқута” асарига шарҳ қилиб ёзган “Ал-фавойид ал-мабсута фи ҳал ақойиди ғайри манқута” асари ҳақида мухтасар маълумот бериб, муҳаррир бу асарни «мусулмонлар учун бениҳоя фойдали бўлмоғи бадеҳийдур», - дейди ва сотиб олишга таклиф этади. Газета шу сонида машҳур жаҳид уламоларидан бўлган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг мазкур асарга ёзилган тақризини эълон қилади. Тақризда Васлий шарҳининг илмий қиммати ва ижтимоий аҳамияти ҳақида жиддий фикрлар билдирилган. Бу тақриз Васлий Самарқандийнинг фақат биргина асари муносабати билан ёзилган бўлса-да, у умуман шоир шахси ва ижодий фаолияти ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бериши мумкинлигини назарда тутиб, матнни келтиришни лозим кўрдик. Самарқанд фузалолари шахримизнинг фузало ва шуароси шеър адабий мовизаси осори матрука ва тадвиноти мутадовинлари ила бутун Шарқ ва ҳатто, Ғарб оламида машҳур ва мусалламдурлар. Ки торих ва тарожим аҳвол ўқийдурганларга маълумдур. Биз ҳозирги тараққийпарвар ва нашриёти рушд ва даражаи илмия ва адабияларини зоҳир бўлган уламо ва шуаро ҳолиямиздан баъзини мунда мухтасаран ёд ва таҳсин этармиз. Бу вароқларга исмлари зикр қилинмаган фузалоларимиз гила (гина) қилмасунлар, аз баски матбуот оламига асарлар ила зоҳир бўлган ҳам шаҳарларимизга махсус, холис бир таҳсин ва ташвиқномадур. Ҳолбуки, ушбу мактубда ёд қилинадурган шуаролардан баъзисини танимаيمان, тонимақ асар ила бўлмасму? Матлабга келайлук. XIII аср хижрий охирига марҳум бўлган Хўжандий – Қурбон Маҳмуд-Олим-Раҳматуллоҳ Али жаноблари нуқтасиз иборат ал-фозлар ила Ақоиди Исломияга таъллуқ масалалар тўғрисида бир рисола тасниф этиб эканларки,

хутбасидин хотимасиғача бутун нуқтасиз иборат бир таснифи адабияи арабия ва маъно тасхих ақидаға ходимдур. Самарқандий Мулла Сайидахмад Васлий мударрис ушбу-ақоиди-ғайр манкутаға – ғайр манкута иборалар ила бир хутбаи арабия таҳрир этиб, сўнгра манкут алфоз ила ҳалли луғати муфсила шарҳ этибдур. Васлий жанобларини хутбаи ғайри манкутасини иш ва рашид мударрислардан Самарқандий Муҳаммад Салим жаноблари муфассал суратда шарҳ ва баст этибдур. Бу айни шарҳни устоиди Муҳтарам ва шахримизнинг энг рашид мударриси муҳтарам Мулла Тўрахўжа жаноблари Васлийнинг шарҳига баъзи иродлар еткурубдурларки, Васлий тарафидин баъзи қабул ва таслим қилинубдур. Ушбу китобға шореҳ тарафидин (“Ал-фавоид ул-масбута фи ҳалли мақоид ғайр ил-манкута”) исм берилиб, оддий ҳажмға тўрт жузан ва – 144 саҳифа узасинда шарҳи Васлий жанобларини масорифи ила табъ қилинубдур. Котиби Самарқанд муфти ва хаттотларидин жаноб мулла Сайфуддиндур. Китобни охириндаги “таърихи таълиф” шеъри форсийсидин маълум бўлурки, шахримизнинг машҳур мударрисларидан Алҳоис қори Абдужалил жаноблари назр тасхих ва тақдирдан кечирубдурлар. Чунончи, шеър эдиюрлар:

Ман зи сар боло бидидам то дуо кардам ҳаме,

Соз ё Раб аз карам матбу у мақбул анан.

Мазмуни: Мен бошимни баланд тутиб, то ҳаммани дуо қилгунимча, ё Раб, кишиларга мувофиқ бўлган яхшиликни мақбул айла. Китоб манҳаи фийҳа охириға қаралиб, етти нафар (шеър ас-сабъаи) Самарқандия тарафидин мусобақа суратинда назира тариқ ва таҳсин ёзилибдурки, уламо ва шуъарои замониямиз иттифоқларини тазмини алар шеъридин бир-икки мисра ёзармиз, чунончи:

Мулла Юсуф Хўжа деюр:

Шукруллоҳ дар ин замони ажаб,

Ёфт таълиф ин хўжаста китоб.

Баҳри торихи ўз-ҳадди савоб,

“Мазҳари дини ҳақ” бигўй жавоб.

Мулла Ниёз Муҳаммад Маризий деюр:

Шукр дар лутфи Ҳақ ки шуд матбуъ,

Ин китоб муборак мағбут.

Чун мариз ба табъаш аз сари имон,

Гуфт зоҳир фавоид мабсут.

Мирза Шариф Ҳилмий деюр:

Бихамдиллаҳ аз лутфи Ҳаййу тавоно,

Фавоиди мабсут шуд табъи зебо.

Ба тарихи табъаш ҳама дид Ҳилмий,

Заҳий хуб шарҳ ақоид бакғата,

Мулла Раҳмат Раҳимий деюр:

Шарҳи матн гайр манқут бошад,

Табъ яъни гаит матбуъи наку.

Соли табаиш Раҳимий гар пурсад касе,

Шарҳ таҳқиқ каломи боҳақ бигў.

Муаллим мулла Муин Наҳиф деюр:

Ирфон ки буд олими доно бас зариф.

Бу байтларда таърихи сана “Мазҳари дини ҳақ” сўзидир. Абжад ҳисоби билан ҳисоб этсак ҳижрий 1317, мелодий 1898 йилга тўғри келади.

Таълиф карда буд китоби бас латиф,

Бе нуқта буд жумлаи-лугат чӣ хуш.

Маируҳ гаҳ он гаҳ матни чунон зариф,

Таби шарҳи фойда бахшаиш дар ин замон,

Гуфт азғоб ал-қалам тавориhi ў Наҳиф.

Мулла Маҳмуд деюр:

Зиҳи фавоиди мабсута ки шарҳи на куст,

Мажоли матн қалами гаҳ гайр манқута.

Чу дид гуфт пайи соли табъи ў Маҳмуд,

Китоб шарҳи ақоид, ки буда бе нуқут.

Мирза Акрам Маҳзум Фикрий деюр:

*Онки таҳсил кард илми Калом.
Мар варо шуд фалоҳ файзу насиб,
Ал хосса ин матни шарҳи олийро.
Ҳар ки дар бар намуд, ғашт лабиб,
Аз сар лутф фикр бе кам гуфти,
Соли тарихи ӯ ғариб ажиб.*

Хулосаи калом бу китобни кўрган киши билурки, шарҳ у маҳши назир ва мусахҳиҳи котиб ва назми ҳамма Самарқандий Васлий матни пурсанъат соҳиби илм Мағфур Хўжандий ва Хўжанд эса яна Самарқанд элатиға тоби бир маҳал ва билоддадур. Фузало ва шуаро ўз ўқиган илм ва фанларига бад тўла соҳибидурлар ва агарда бу мухтарамлар фунуни жарида ва кашфиёти ҳодиса ва ижоботи замонаға воқиф ўлсалар ҳукамои сония ва фалосафаи ҳозира ва адабиёти ахираға кўз ва қулоқ солмоққа танзил этсалар шаксиз талабаға кўб-кўб фойда еткурар эрдилар. Самарқанд уламоларидан баъзиларини китоб каломиға ҳоҳишлари яқинда табъ бўладурки бир ўзидин сўнгра ёзилур. Ҳар ҳолда охирги саналарга уламо ва кўплаб матбуотға юзландиларки, бу Туркистон учун яхши ва бора-бора жиддий ва жадидашур. Жадидни қадимдан таваррузи одати қадим эмасму? Шеъромуз хатти ҳолдин зиёдароқ мойил ила миллий ва ижтимоий воситалардин мубарро таърихий шеърлар айтсалар ва қудратлик кишилар табъ этсалар ани манфаати моддий ва маъновийдур. Охирги ва қаторға Тошкандда табъ бўлган баъзи ашъор сабаб фасод, ахлоқ ҳам айбдур. Мундай нарсаларни матбуот ила танқид этмоқ керак – «Куллу иноин ятарашшаху бимо фиҳи»- (هي فامب) (حشرت ياذالك). («Қозонда бўлса чўмичга чиқар».) Яъни, тилимиз дилимизни таржимони. Дилимизда бор гапларимиз матбуотимиз орқали намоён бўлади, дегани (мақол).

Самарқанд. Маҳмудхўжа бин Беҳбудхўжа хатиб ⁵².

⁵² Беҳбудий Маҳмудхўжа. Самарқанд фузалолари// Туркистон вилоятининг газети. 1908. №33.

Шундай қилиб, Сайидахмад Васлий Самарқандий ҳаёти, ижоди ва ижтимоий фаолиятининг айрим қирралари ҳақида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Сайидахмад Васлий Самарқандий Марказий Осий халқлари учун энг мураккаб бўлган бир давр, яъни бу ўлка халқлари бир ижтимоий-сиёсий тузумдан иккинчи бир ижтимоий-сиёсий тузумга феодализм муносабатлардан капиталистик тузумга ўтилаётган бир даврда яшаб ижод қилди, фаолият олиб борди. У ўзидан адабиёт ва журналистиканинг турли жанрларида ёзилган катта ижодий мерос қолдирди. Бу ижодий мерос Тошкент ва Самарқанд матбааларида чоп бўлган, бир қанча қўлёзма нусхаларда жамланган ҳолда мавжуд бўлган бўлса-да, ҳамоно ўрганилмай келинаётган эди. Биз бу соҳада олиб бораётган махсус тадқиқотнинг ушбу боби шоир ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида маълумот бериш ҳамда унинг шахсияти, ижоди ва фаолиятига давр ижодий муҳити муносабатини ёритишга қаратилади. Васлий сиёсий таназзул, ижтимоий беқарорлик, маънавий-маърифий, маданий соҳаларда кескин зиддиятлар ҳукм сурган бир даврда яшади. Табиийки, давлат ва жамият ҳаётида ҳукм сурган бундай ҳодисалар қонуният сифатида алоҳида олинган шахс – Васлий дунёқараши ва ижодий тафаккурида ҳам бевосита акс этди. Бу нарсаси шоирнинг ўз даври ҳаётининг фаол иштирокчиси бўлишга интилишида ва шу интилишига ўзи қарши ўлароқ, эски давр мафкураси бўлмиш шариати исломияни жон қуйдириб тарғиб этишида яққол намоён бўлади. Шу жиҳатдан, биз шоирни кескин реакцион дин вакили дея олмаймиз. У ўз даври маърифатпарварлари билан яқин дўстона алоқада бўлди, улар ижодига ҳамроҳанг ижод қилди. Бироқ шу маърифатпарварлардан фарқли равишда ислом аҳкомларини ҳам тарғиб қилиб асарлар ёзди. Шу жиҳатдан, Васлий Самарқандийни ислом маданияти руҳи билан янги давр куйчисига айланишни истаган маърифатпарвар шахс сифатида тасаввур этамиз. Васлий ижодига нисбатан унинг ўз даври адабий муҳити вакилларининг муносабати ҳам бир хил эмас эди. Давр матбуотида Васлий ёзган асарлар, мақолалар юзасидан баҳс-мунозаралар бўлиб турар эди. Бу

нарсa кўз ўнгимизда шоирни изланувчан, куюнчак, миллатсевар, ватанпарвар бир шахс сифатида намоён этади. Аммо шоир табиатидаги бу хислатлар ўзига хос бир тарзда диний-маърифий рухда кўзга ташланади. Яъни шоир маърифатпарварликни ислом ғоялари, шариат аҳкоми билан боғлаб тарғиб этган. Унинг назарида ислом моҳиятан илм-фан тараққиёти, замонадаги миллий уйғониш ҳаракатига зид эмас. Аксинча, янги маърифатпарварлик ғоялари исломий ахлоқ билан боғланса, яхши самара беради.

Ушбу боб бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Васлий Самарқандий ўз шеърларида, мақолаларида илгари сурган ғоялар умумбашарий, барча замонлар учун бирдай фойдали эканлиги кўзга ташланади.
2. Давлат ва жамият ҳаётида ҳукм сурган бундай ҳодисалар қонуният сифатида алоҳида олинган шахс – Васлий дунёқараши ва ижодий тафаккурида ҳам бевосита акс этган.
3. Васлий зуллисонайнлик анъанасини муносиб давом эттирган ижодкорлардан эди.

III БОБ. ВАСЛИЙ ВА ЖАДИД МАТБУОТИ

3.1. Васлий публицистикаси

Маълумки, ўлкамизда матбуотнинг вужудга келишида Махмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Исмоил Обидий, Обиджон Маҳмудов, Убайдулла Хўжаев каби маърифатпарварлар номи билан боғлиқ. Жадидлар миллий даврий нашрлар фаолиятини ташкил этиш ва йўлга қўйишда фаол иштирок этишган. Шу боисдан ҳам улардан салмоқли илмий ва адабий мерос қолган. Жадид матбуотида мақолалари билан қатнашиб турган ана шундай ижодкорлардан бири - шоир Саидахмад Васлий эди. Яъни матбуотда фаол иштирок этган муаллиф Васлийнинг “Ҳар мусулмоннинг араб тилига ошно бўлиши” номли мақоласини эълон қилади. Мақолада Васлий Туркистон аҳолисининг араб тилини ўрганишини, Қуръон ва ҳадисларнинг маъноларини тушуниб боришни, ёшларнинг мадрасаларда араб тилини ўзлаштиришга ва ота боболаримизнинг араб тилида ёзилган китобларини ўқишга даъват этади. Болаларнинг ўз умрларини беҳуда ўтказиб далаларда от чоптириб юришади, бойларнинг фарзандлари пул билан мадрасаларни тамомлашдан оқибатда ўз оиласига фожиа келтиришдан изтиробга тушади. Мақолада таъкидланишича “Дини шариф, ислом арабий бўлиб, шариат исломиямиз “Қуръон” масжид арабий ва пайғамбаримиз арабий авлоди, яъни барча китоби фикҳия ва диниймиз арабийдур. Ҳар мусулмонмен ва мусулмончилик қиламан деган авлод Исломга амал қилиши учун араб ибораларига ошно бўлиб, билиб тушунмаки лозим ва зарурдур. Араб тилининг ўрганмаки осон ва мумкин. Ҳозир ожизинмга икки сабаб: 1 чи ҳар мусулмон араб тилининг зарур ва кераклигини билмаслигини, 2 чи таълим ва тарбиямизнинг чакки ва бузуқлиги. Ҳозир бой ва деҳқонлар фарзандлари от чопмоқ ва ҳўкиз ҳайдамакдан катта шаҳарларимиз ақча қилуб, таҳсил қиладурғон илмларидин бир дурустроқ нимарса ҳосил қилолмасдин кўнгиллари қорайуб хафаликларидин юрур”. Васлий адабиётимиз тарихида

маърифатпарвар, тараққийпарвар шоир сифатида шухрат қозонган. Унинг маърифатга оид ўнлаб мақолалари, шеърлари “Садои Туркистон”, “Туркистон вилоятининг газети”, “Самарқанд” каби газеталарда чоп этилган. Мазкур журналда, диний-исломий ҳамда дунёвий мавзуларга оид мақолалар нашр этилган. Журналда, Саидахмад Васлий, Ҳамза, Каримбек Камий, Махмуд Ализода Тошкандий, Шамсиддин Хоиб ва бошқа ижодий фаолияти шу пайтгача деярли ўрганилмай келган кўплаб муаллифларнинг асарлари чоп этилган. Адабиётшуносликка оид мақолаларда, Туркистон матбуотининг миллий уйғониш билан боғлиқ долзарб масалалар акс этган. “Ал-Ислоҳ” нинг фаол муаллифларидан Саидахмад Васлий даврнинг долзарб масалалари юзасидан “Тараққий”, “Туркистон вилоятининг газети”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Ойна”, “Ал-Изоҳ” нашрларида ўз мақолалари ва шеърлари билан фаол эштирок этди. Васлийнинг “Ал-Ислоҳ” даги мақолалари билан “Садои Фарғона” газетасида босилган мақолалари муштарак ғояни ифодалаб, бир-бирининг изчил давом эттирганини кузатиш мумкин. Масалан, “Ал-Ислоҳ” даги “Ислоҳи тадрис ҳақида”, “Ҳар мусулмоннинг араб тилига ошно бўлиши”, Илмнинг ҳар кимга кераклиги ва шарофати ва бошқа мақолалари “Садои Фарғона” даги “Шеър ва илми балоғат”, “Маданият”, “Тараққий йўли”, “Жарида ва усули жадид” мавзуларидаги чиқишларининг муқоясаси бунинг тасдиғидир. Васлийнинг “Ал-Ислоҳ” журнали 1915 йил 17-сонида чоп этилган “Ислоҳи тадрис ҳақида” сарлавҳали мусаддаси бу жиҳатдан диққатга сазовордир. Шеърда дарс ислоҳи дину шарият жисмига жон бағишлаши, дарс “кўнгиллар ичра тоза руҳ ҳосил айлаши” ҳақидаги теран фикр бетакрор бадиият билан ифодаланади. “Дарс ислоҳ ўлмаса, ўлмас биза файзу футуҳ” дея ўша вақтда Туркистонда таълим тизими замон талабаларига жавоб бермай қолганидан изтироб чекади. Айниқса, шоирнинг “Бу замонда олим ўлмоқга керакдур умру Нух” деган сўзлари бу изтиробнинг нақадар чўнг эканини кўрсатади. Васлий куйиниш билангина

чекланмайди. Бу ҳолатдан чиқиш чораларини излайди. Натижада, “Осмони илм учундир нардбон ислоҳи дарс” деган хулосага келди.

*Неча толибларни кўрдим- ўзлари асҳоби илм,
Бўлмамишлар саъйу қўиши айлабон арбоби илм.
Минг ташаккурлар қилурдим ҳар на бу туллоби илм,
Бу каби толибларадур, иззу шаън ислоҳи дарс,
Осмони илм учундур нардбон ислоҳи дарс.*

Бошқа жаид боболаримиз каби Васлий Самарқандий ҳам Туркистоннинг ўша даврдаги ҳолатига танқидий назар билан қарайди. “Ишлари дарсхоналарда “ийоб ила зиҳоб” – келмагу кетмакдангина иборат бўлган, асосий вазифасини – билмагу билдирмакни унутган толиби илмларни кўриб, уларнинг ҳолига ачинади. “Айласак ислоҳи тадрис, эй гуруҳи мустатоб, Бўлмас эрди ҳолати авлодимиз бўйла хароб” дея таасуф қилади. Жаҳолатдан нажот топмоқнинг ягона чораси дарсни таълим тизимини ислоҳ қилиш эканини таъкидлайди. Мусаддаснинг сўнгги бандида шоир илм-маърифат йўлида беғараз хизмат қилаётган таҳамтанлар паҳлавонлар борлиги учун шукр айтади. Ислоҳи дарс икки дунё нафъига хизмат қилишини айтиб, шунга даъват этади:

*Ори-ори бор эрур юздан бири аҳли камол,
Айлаюр хизмат шариатининг йўлида қадри ҳол.
Шу таҳамтанлар бақои шаръ учун айлар хаёл,
Бу шарафлик фикр илан, ислома ёндошамиз завол.
Алғараз ислом учундур пуштбон ислоҳи дарс,
Икки дунё нафъигадур баҳри кон ислоҳи дарс.*

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, “Ал-Ислоҳ” журналида таълим ислоҳи масаласида энг фаол эштирок этган муаллиф Васлийдир. Унинг “Ал-Ислоҳ” 1915 йил 13-сонида “Ҳиммат ур-ражо” номли мақоласи эълон қилинган. У мақолада мактаб ва мадрасаларнинг қурилиш режа лойиҳасидан тортиб, дарс хоналарининг ички жиҳоз ускуналарига дарс неча йил бўлиши керак, бир кунда неча фан ўқитилиши зарур талабаларнинг дарсларини

Ўзлаштириши ва имтиҳон олиш усули қандоғ бўлмоғи лозимлиги ҳақида батафсил тўхталади. Саидахмад Васлийнинг саволлари ёш авлод камоли, миллат истиқболи билан боғлиқ экани аён кўриниб турибди. “Ал-Ислоҳ” бу муаммога асосий эътиборни қаратганини таъкидлаш керак. Бу масалага бошқа уламолар ҳам бефарқ қараган эмас. Улар ҳам муҳокама ва мунозарада фаол иштирок этди. Айни юқоридаги Васлий саволларига жавобан бухоролик Зиёвиддин қори журналнинг 1915- йил 17-сонида “Инсоннинг бир неча вазифаси ва саодати” сарлавҳали мақоласини эълон қилди. Муаллиф фикрича, таҳсил ўн беш йилга мўлжалланган бўлиб, йигирма бир хил дарсни кўзда тутди. Бир йилда тўққиз ой ўқиш, ҳафтасига беш кун, ҳар куни икки фан ўқитилишини таъкидлайди. Яъни иқтидорли талабалар таълимни ўн икки йилда якунлашини уқтиради. У ёзади: “Саидахмад Васлий жаноблари бир мақола ёзиб, омманинг саъйу ғайратини ва ҳам фикрларини “Ал-Ислоҳ” воситаси ила майдонга қўймоқларини ражо этмишдур. Биз ҳам фикримизни баён этуб, баъзи саволларина жавоб берамиз, лекин бизнинг фикримиз ҳаммадан аввал жадвал бўйладур”, дея ўзининг мақоласини жадвал асосида кўрсатади. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, ёш авлод таълим-тарбияси масаласида уламоларнинг фикрлари турлича бўлган. Баъзилари эски усул баробарида янги усул жаҳид мактабларининг ҳам тарафдори эди. Айримлари эса жаҳид мактабларига танқидий фикр билдирган. Бу тоифа Европа маданияти мусулмон болаларига салбий таъсир кўрсатишидан сақланмоқ зарур деб ҳисоблайди. Саидахмад Васлий “Садои Фарғона” газетасида чоп этилган “Усули жаҳид” мақоласида янги усул эски ўқитиш тизимидан афзал эканлигини содда ва тушунарли қилиб қуйидагича баён этади: “Эмди янги тартибда ўқитмоқни маъноси шулки, мактабга кирган болага сабоқ бериш билан бир вақтда ҳарфларни ёзиб кўрсатур. Янги тартибда ўқиган бола 4-5 ойда ўқимоқ ва ёзмоқни ўрганур...”. Васлий ушбу мақоласида 10-12 йил ўқиган муллалар энг муҳим илмлардан беҳабар қолганликларини таъкидлаш билан бирга, уларнинг мадрасаларда ўрганган билимлари

амалий ҳаёт эҳтиёжларидан жуда узоқ бўлганлиги ҳамда жамият тараққиётига хизмат қилмай, амалиётдан ажралиб қолгани ҳақида муҳим ижтимоий-сиёсий масалани ҳам илгари сурган. Васлийнинг фикри ҳам юқоридаги қарашларга мутаносиб. Унингча ҳам, ҳукумат бошқа миллат иттифоқ бўлиб иш кўрсагина, ёш авлодни тарбиялаш, миллатни уйғотиш, Ватанни озод қилиш, халқ маънавиятини юксалтириш, турмушини фаровонлаштириш мумкин, деган фикрни илгари сурди. Адабиётшунос олим С.Ҳалимов номзодлик диссертациясида Васлийнинг публицистик фаолияти ҳақида ҳам мухтасар маълумот бериб, шоирнинг 1906 йилда “Туркистон вилояти газети” саҳифаларида босилган мақолалари юзасидан мулоҳазалар билдиради. Таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Бегали Қосимов ўзининг “Излай-излай топганим” деб номланган монографиясида “Туркистон вилоятининг газети”нинг 1914 йил 72-сонида босилган Мирмуҳсин Шермуҳаммедов билан Сайидахмад Васлий ўртасидаги мунозарани таҳлил этар экан, жумладан, Васлий ҳақида ўз фикрларини баён этган. Биз ҳам мавзу тақозоси билан ушбу мулоҳазаларга муносабат билдиришни лозим кўрдик. Гап шундаки, Мирмуҳсин “Туркистон вилоятининг газети”даги “Шоир жанобларга илтимос” деб номланган мақоласида Васлийнинг 1913 йилда Тошкентда чоп этилган “Тухфату-л-аҳбоб” китоби ҳақида танқидий фикр билдиради. Чунончи, замондошлари томонидан яратилаётган шеърӣ асарларни иккига – “ишқӣ” ва “миллий”га ажратиб, “ишқӣ” шеърга, хусусан, унинг кўринишларидан бири мувашшаҳчиликни киритади. Бунга қарама-қарши ҳолда “миллий” шеърга миллатнинг ўша кунлардаги дардини акс эттирувчи истиклолни қўлга киритиш, уйғониш каби ғояларни тарғиб этувчи асарларни киритади. Муаллиф Васлийнинг “миллий” шеърларидан қониқиб, унинг “мувашшаҳ”ларини “кераксиз” деб рад этади. Шунингдек, XX асрнинг 10-йилларида “Туркистон вилоятининг газети”, “Садои Фарғона”, “Садои Туркистон” газеталарида босилган, адабиётнинг жамиятдаги ўрни, хотин-қизлар озодлиги, театрға, ишқӣ ғазалларға муносабат масалаларига

бағишланган бу мақолалар қизғин баҳсларга сабаб бўлган. Бу баҳс “Ойна”, “Ал-Ислоҳ” журналларига ҳам ўтган, кенг омма фикрининг чархланиб боришида, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга бўлган. Васлий фикрларининг айримлари чиндан ҳам баҳсли бўлиб, ўша замон нуқтаи назаридан эскирган эди. Хусусан, “тасаттири нисвон” (аёллар хижоби), шеър ва “илми балоғат” ҳамда театр ҳақидаги карашлари диққатга лойиқ. Шунинг учун ҳам ёшларнинг бир гуруҳи унинг айрим чиқишларига қаттиқ эътироз билдирганлар. Васлий 1917 йил 27-ноябрда эълон қилинган Туркистон мухториятини ҳаяжон билан қарши олган ва эҳтиросли нутқ сўзлаган эди.⁵³

Олимнинг фикрларига мантиқ нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак, албатта, у ҳақ. Аммо, назаримизда, масаланинг бошқа бир муҳим томони ҳам бор. Сўзимиз ибтидосида тилга олинган мусулмон ўлкаси халқлари учун тамоман янги бўлган давр оқимлари, янги давр фалсафаси, янги давр нафасини зиёлиларнинг барча табақалари вакиллари ҳам бирдек тўла қабул қила олмадилар. Худди шу даврда гўзал лирик шеърлар муаллифи бўлган машҳур шоир Ҳазиний:

Қиз ано, ўғил атосидин, билинг, қилмай ҳаё,

*Бу сабабдин Ҳақ юборгай бизга минг турлук бало*⁵⁴, - деб изтироб билан ёзган.

Мирмуҳсин каби янги даврнинг оташин куйчилари, Ватан ва миллат истиқболи жонкуярлари, юртни озод ва обод кўриш иштиёқида ёнган фидойилар давр адабий ҳаракатчилигининг муҳим бўғинини ташкил этган бўлса, ўз асарлари билан маънавий қадриятларимиз, гўзал ва бетакрор турмуш тарзимиз, ўзига хос миллий фазилатларимизни сақлашга, қадрлашга чорлаган Ҳазиний, Васлий каби шоирларнинг овози ҳам давр адабиётшунослигида эътиборли ҳодиса эди. Зеро, Васлий замона хотин-қизларини пардали бўлишга чақирар экан, бу асло уларни маърифат ва

⁵³ Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. (Б. Қосимов, Юсупов Ш, Долимов У, Ризаев Ш, Аҳмедов С.)- Тошкент: Маънавият, 2004.-44-45 бет.

⁵⁴ Ҳазиний. Девон. Сўз боши, луғат-изоҳлар муаллифлари А. Мадаминов, О Жўрабоев. Махсус муҳаррир, сўнгсўз муаллифи Ш. Юсупов. – Тошкент: Маънавият, 1999.-144- бет.

хуқукдан бенасиб этиш, деган маънони бермайди. Чунки ислом дини барча муслим ва муслималарга илм ўрганишни фарз қилиб қўйган. Васлий мансуб бўлган нақшбандия тариқатининг ҳаётсевар ва инсонсевар таълимоти ҳам худди шу нарсани тарғиб этади. Бироқ ушбу масалада икки хил фикр муаллифларининг ҳам бир қадар эҳтиросга берилиб, бирёқламалиликка йўл қўйганликларини илғаш мумкин. Мирмуҳсин мумтоз адабиётнинг қадимий лирик жанрларидан бирини мумкин қадар чеклаш масаласида кескинликка йўл қўйган бўлса, Васлий хотин-қизлар озодлиги соҳасидаги қарашларида эҳтиросга берилади. Мувашшаҳларга келсак, Мирмуҳсин айтмиш “миллий” шеърлар пири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий девонларида бир неча ўнлаб бундай шеърлар учрайди. Улар ўз ўқувчисига катта бадиий завқ инъом этади. Қолаверса, бадиий ижод ва ижодкорнинг ўзига хос “мутаносиблик” – гармония принципларидан келиб чиқадиган хусусиятлари, англаш қийин бўлган сир-синоатлари борки, улар қалб даъвати, илоҳий илҳом туғёнларидан ўзга ҳеч қандай қонуният ва кўрсатмаларни қабул ҳам қилмайди, бўйсунмайди ҳам. Аммо Васлий девонига кўплаб мувашшаҳларни киритгани учун бир ўринда афсусланади. У “Ойна” журналида эълон қилинган бир мақоласида шундай ёзади: “...Шунга ўхшаш нарсалар фақат бизнинг девонга махсус эмасдур, балки шуаро-и мутақаддим девонлариға ашъори ишқия кўбдур. Муни жавобини лозиминча “Шеър ва илми балоғат” унвонлик мақоламизда ёзуб эдук. Яъни, девони форсий, туркийларимда ҳамд, наът, муножот, насихат, ашъори ахлоқий ва ашъори миллий кўбдур. Оре, ўзумга ҳам мувашшаҳларим мақбулим эмас. Эмди девон нашр қилсам, унга ашъори ишқия ва мувашшаҳ бўлмас, афу айлангиз муҳаррир афанди”⁵⁵.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчи муҳим жиҳати шундан иборатки, Сайидахмад Васлий ўз миллати, халқи келажаги учун қайғурган, ташвишланган маърифатпарвар, ватанпарвар шоир эди. Агар шоир ижодий меросини чуқурроқ таҳлил этадиган бўлсак, унинг мумтоз адабиёт анъаналари, ғоявий услуби ва образларидан фойдаланиб, ғазал, мухаммас,

⁵⁵ Васлий Самарқандий. Жавоб // Ойна.1915.-№7. 156-157 – бет.

мусаддас, мусамман, маснавий, таржеъбанд, таркиббанд, рубоий, мувашшах, қасида каби жанрларда ижод қилган асарларидан кўра, шу жанрлар шаклларида фойдаланиб, ўз замонаси маърифат аҳли ва маориф тизими ҳолатини реалистик услубда ифода этиб, тараққиётга ташвиқ этувчи ғояларни илгари суриб ёзган асарлари салмоғи анча устун эканлигининг гувоҳи бўламиз.

3.2. Шоир ижодига замондошлари муносабати

Маълумки, XIX аср охири, XX аср бошларида Туркистонда жади́дчи́лик ҳаракати вужудга келди. Бу ҳаракат ўша даврда иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан ўта қалоқ шароитда яшаётган ва шу сабаб жаҳолат ботқоғига ботган халқнинг кўзини очиш, жамият ҳаётида ижтимоий-маданий ислоҳатлар ўтказиш, шунинг билан, миллий мустақиллик ғоялари учун курашиш мақсадида тарихий вазият тақозоси билан юзага келди. Шу тариқа жади́дчи́лик дастлаб халқ орасида маърифатпарварлик ғояларини илгари суриш, ўлкада “усули савтия” мактабларини очиш билан бошланган бўлса, кейинроқ қудратли сиёсий ҳаракатга айланиб борди. Жади́д маърифатпарварларидан бири Мунавварқори Абдурашидхонов айтганидек: “Чор ҳукуматини йўқотиш жади́дларнинг тилагида бор эди”. Зеро, ўша пайтда халқ мустамлака зулми остида эзилаётган, асрлар мобайнида ардоқланиб келинган энг эзгу туйғулари топталаётган бир давр эди. Ваҳоланки, қадим-қадимларданок ўзбек халқи зуғумга, қулликка бардош бера олмаган. Шу сабаб ҳам ўша даврнинг илғор фикрли зиёлилари ана шу оддий халқнинг орзу-армонлари ижобати учун курашдилар. Аслини олганда ҳам, Муқаннанинг бағрида яралган, Кубравийнинг кафтларида тутган, Дукчи Эшоннинг нигоҳларида қолган ширин хурлик эди бу, озодлик эди бу. Жади́д зиёлилари энг биринчи галда халқнинг ана шу азалий орзуси рўёби учун курашдилар. Шу боис ҳам, жади́длар ўз ҳаракатини фақат маърифат, мактаб очиш, матбуотни юзага келтириш билангина амалга ошириш мумкинлигини англаб ета олдилар. Ўзбек миллий матбуоти тарихининг юзага келишида, жади́дларнинг роли бениҳоя эканига гувоҳ бўламиз. Жади́д матбуоти ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилган. Шу боис журнал ва газеталардаги адабий ва ижтимоий мавзуларга оид мунозараларни ўрганиш адабиётшуносликнинг долзарб вазифаларидандир. Матбуотдаги адабиёт масалаларига оид материаллар орасида қадимчилар мунозараси алоҳида ўрин тутади. Жади́дларимиз ҳақиқат ахтаришга киришиб, ўзларининг

мақолаларини матбуотда эълон қила бошлади. Жадидлар Туркистон ўлкасини саводли, маърифатли, ривожланган юртга айлантириш орзуси билан яшадилар ва матбуотни ушбу мақсад йўлидаги қудратли восита деб билдилар. Туркистон жадидларининг етакчи намоёндаларидан Махмудхўжа Бехбудий, Мунавваркори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Исмоил Обидий, Обиджон Махмудов, Убайдулла Хўжаевлар ўзбек матбуотини шакллантиришга катта ҳисса қўшдилар. Жадидлар миллий даврий нашрлар фаолиятини ташкил этиш ва йўлга қўйишда, катта ҳисса қўшганлар. Жадидлар маърифатпарварлик ғояларини илгари сурди, жадидларнинг қарашларига асосланиб, Туркистонда истиқлолнинг маънавий замини масаласига катта эътибор қаратди. Илм-маърифатни ана шу истиқлолнинг маънавий замини деб билди ва шу масала ҳамиша матбуотнинг диққат марказида бўлди. Маълумки, ғазал шарқ халқлари классик поэзиясининг энг кўп тарқалган лирик жанрларидан. Фақат мумтоз шеъриятида ғазал асосан ишқ-муҳаббат мавзуида битилган бўлса, XX аср бошида ғазал миллат дардини ифодалади, юрт истиқболи учун қайғуриш, унинг таназзул гирдобига тушганидан изтироб туйғуларини акс эттирди. Васлий биргина диний билимлар билан чегараланиб қолмай, дунёвий билимларни ҳам ўрганиш зарурлигини уқтиради. Жаҳолатда қолган “қора халқнинг оқариши”да бирдан бир восита маърифат эканини алоҳида таъкидлайди. Сайидахмад Васлий Самарқандий ўзининг сермахсул ва баракали ижоди билан адабиётимизнинг маърифатпарварлик ва анъанавий йўналишдаги тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Адиб ва шоир Васлий ишқий, ижтимоий, ахлоқий, маърифий мавзуларда кўплаб асарлар яратди. Унинг бу асарлари ўз даврида Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари матбааларида чоп этилди. Улар орасида Васлийнинг адабий фаолияти, фалсафий дунёқараши, ҳаёти ва фаолияти тафсилотларини ўрганишда асосий манба бўла оладиган икки шеърий девони ва тасаввуф руҳидаги “Назму-с-силсила” асари алоҳида аҳамиятга эга. Шоирнинг ижодий мероси жуда бой. Ҳали тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда, ундан бизгача 24 минг мисра

шеър ва 25 та илмий рисолаи етиб келган. Сайидахмад Васлий мансуб бўлган диний-руҳоний дунёқарашдаги шоир ва адиблар юртимиз маиший ҳаётида жуда кескин содир бўлаётган европалашув жараёнини табиатан қабул қила олмас эдилар. Айниқса, хотин-қизлар озодлиги соҳасида юз бераётган ҳодисалар, муқаддас ислом тарғиб этган ҳаё, гўзал ахлоқ бобидаги фазилатларнинг йўқола бориши уларни қаттиқ ранжитар, ташвишга солар эди. 18 йил мадраса “тупроғини ялаб”, уни хатм қилган, ислом дини ва унинг конун-қоидалари, афзалликларини мукаммал ўрганган Васлий каби зиёлилар учун минг йиллик маънавиятимиз пойдеворига дарз кетиши жуда даҳшатли бир ҳол эди. Агар аср бошларидаги “янгилашиш” даврини бугунги “янгилашиш” давримизга қиёсан тасаввур этадиган бўлсак, ўша даврда ҳам аёлларнинг кийиниши ва жамоатда ўзини тутишида ғарбга тақлид кескин кўтарилиб кетганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бу нарса эса пайғамбар алайҳиссалом ўғитларига асосан “Ҳаё – иймондандир”, деган тушунчада собит бўлган ўзга жинс вакиллари ташвишга солмай қолмас эди. Китобнинг асосий қисмини ташкил этувчи мазкур таъриф этилган бўлимлардан сўнг асар композицияси мукаммаллиги учун хизмат қилувчи шеърӣ парчалар, лавҳалар ўрин эгаллайди. Хусусан, олий пок зот, барча сирли ва пинҳон нарсаларни билгувчининг даргоҳи илоҳийига муножот йўлланиб, у “Муножот дар жаноби Қудс олиму-с-сир вал-хуфёт” деб номланади. Шундан сўнг Васлий бир ҳикоят келтиради. Бу ҳодиса ҳам Шарқ мумтоз адабиёти анъаналарига мос келувчи бир ҳолдир. Маълумки, “Ҳамса”ларнинг биринчи дostonларида муаллифлар ўз пир – муршидлари, устозлари таърифида сўз юритганларидан сўнг, мавзу мазмуни ва моҳиятига мос бўлган бирор ҳикоят келтирадилар. Умуман, Шарқ адабиётида бу ҳодиса кенг ёйилган бўлиб, ҳар бир бадий асар имкон қадар ҳикоятлар билан зийнатланади. Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”и ва унинг услубидаги асарларда ҳам бу тамойил чиройли намоён бўлади. Сайидахмад Васлий ҳам ўзига хос шакл ва ғоявий йўналишдаги асарда ушбу анъанадан четланмасликка ҳаракат қилган. Ҳикоятда машҳур сўфӣ Зуннун Мисрий

хаётидан бир ибратли воқеага эътибор қаратилади. Шайх “денгиз ва куруқликни кўз билан кўриб, уларнинг ҳолини тенг билиш”, “ибрат ўз бетидан пардасини очиши ёки дарё ҳоли хайратини ошириш”, “ибрат ўлжасини домга илинтириш” учун муридлари билан бир кемага ўтириб, Нил дарёсига тушади. Шунда, ногаҳон, Парвардигори олам ўз ҳикмати билан уларнинг қаршисида бир бошқа кемани пайдо қилади. У кеманинг ичида шавкатли зеб-зийнат билан безалган бир гуруҳ кишилар ўтирган эди. Улар айшу ишрат билан банд, баъзилари май ичиб шермаст бўлган, баъзилари эса ўз ақлини қўлдан берган эди. Бу ишратпараст гуруҳнинг овозлари еру осмонни қоплаб олган эди. Икки кема бир-бирига рўбарў келган пайтда Зуннуннинг муридларига қўшни кемадаги ғала-ғовур ёқмади. Бу ҳолдан ғазабга келган муридлар пирларига илтижо қилиб айтдилар:

“Эй меҳрибон пиримиз, бир дуо айла, бу фирқа денгизга гарқ бўлсин!”.

Шайх икки қўлини дуо учун сийнасидан кўтариб Бори таолога зоре қилди: “Эй маърифатли ҳоким! Бу жамоатни тўлалигича жаннатга элт. Ғофир сифатинг билан уларни кечир, чунки ҳеч ким гуноҳдан ҳоли эмас”. Шу пайтда раҳмат дарёси қайнаб тошди ва Валийнинг дуоси ижобат бўлди. Бу қавмнинг ҳар бирининг ҳолати ўзгариб, Ҳақнинг ишқига мажнун бўлдилар. Ҳикояни баён этишдан шоирнинг мақсади шуки, у ўз асарида таърифлаб берган ҳар бир авлиёуллоҳга хос бўлган хислатни, яъни кўпчилик идрок эта олмаган ва билишга қодир бўлмаган Ҳақнинг ҳикматини авлиё валоят билан англашини ва ҳар қандай ҳодисани моҳият нуқтаи назаридан яхшиликка йўналтириб юборишини таъкидлаб айтмоқчи. Бинобарин, Зуннун Мисрийнинг дарё сайрига чиқишдан мақсади “ибрат ўлжасини домга илинтириш” эди. Шайхнинг муридлари ўзларига рўбарў келган кемани ва унинг ичидаги ҳодисани бир тасодиф деб тушундилар, шайх эса валоят билан “бу ҳодисада Ҳақнинг не ҳикмати яширин экан?”, деб мулоҳаза қилди. Чунки у ҳар дақиқада Ҳақ таоло унинг кўнглидаги ниятидан огоҳ эканлигини, денгиз сайрига чиқиши сабаби ҳам Ҳаққа аёнроқ эканини ҳис этиб турди. Сув юзида содир бўлиб турган ҳодиса шайх ниятини амалга ошириши учун

Парвардигор юборган бир восита эди. Зотан, Аллоҳ таоло билан ҳамдам, дўсти хос бўлган авлиё дарҳол мақсадини амалга ошира қолди. У Тангри таоло яратган имкониятдан фойдаланиб, муридлари қошида ибрат намунасини кўрсатиб, дарс берди – “ибрат бетидан пардасини очди”.

Иккинчи томондан, денгиз ҳам, қуруқлик ҳам махлуқ, уларнинг ҳам Тангри ҳузурида руҳи ва эътибори бор. Шайх ўз ҳаракати билан “дарё холини ҳам ҳайратга солди”.

Муаллиф бу ҳикоят орқали авлиёларнинг оддий солиҳ инсонлардан фарқини, уларни юксалтириб турувчи фазилатларини кўрсатиб бермоқчи бўлади. Зеро, муаллифнинг таъкидича:

*Авлиёуллоҳ нури мутлақанд,
Зоҳиран бо халқу доим бо Ҳақанд.
Як назар бо бандаи фосиқ кунанд,
Бешак аз нури назар ошиқ кунанд*⁵⁶.

Мазмуни: авлиёуллоҳ мутлақ нурдирлар, доимо Ҳақ билан бўлиб, зоҳиран кишилар орасидадирлар. Фосиқ бандаларга бир назар қилсалар, бешак, бир қараш нури билан улар (фосиқ бандалар) ошиққа айланадилар.

Зуннун тимсолида шоир ўзи васф этган авлиёларнинг типик қиёфасини яратар экан, ҳикоят сўнгидаги мазкур хулосасини ҳам ўзи назм силкига тортган барча авлиёларга тааллуқан эътироф этади. Ҳикоятдан сўнг “Таҳрир хотимаси, покдил ва равшанзамир пирдан дуъо умидида” деб номланган боб келади. Муаллиф пиридан дуо умидида ушбу асарни катта ихлос билан ёзгани ва шу чин ихлоси туфайли Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) ҳадисларида айтилганидек, нури сафога эришиши мумкинлигини баён этади. Асар сўнгида “Таърихи таълиф” берилган. Таълиф этилиш тарихи “Олижоҳ назму-с-силсила” (Улуғ мартабали “Назму-с-силсила”) бўлиб, абжад ҳисобида ҳижрий 1330, милодий 1912 йилларни ташкил этади. Муаллифнинг сўзича, рамазон ойининг биринчи ҳафтаси ичида ёзиб тугатилган. Асар ниҳоясида 1331 йилда асарнинг нашр этилиши ва унинг муаллифини таърифлаб ёзилган

⁵⁶ Васлий Самарқандий. Назмус-силсила.- Тошкент, 1913.- 42 бет.

икки таърих қитъа келтирилган. Улардан бири Мулло Мир Сарвар Ургутий номли шахсга, яна бири Мавлавий Мискин Тошкандийга тегишли. Мир Сарвар Ургутий таърих-қитъаси “Назмус-силсила”нинг нашр этилишига бағишланган бўлса, Мискин Тошкандийнинг таърих-қитъасида ҳам “Назмус-силсила” ва унга қўшимча тарзда Абдурахмон Жомий “Шарҳи рубоий” асарининг нашри йили (х. 1331) кўрсатилган. Бу қитъани тўлиқ келтирамиз:

*Бихамдиллаҳ, ки Васлий хирадманд,
Тутуб Жомий каломин эҳтироми.
Рубоиёти Жомий шарҳи бирлан,
Билинг чоп этти охир биттамоми.
Машойих нисбатини назм айлаб,
Чу “Назмус-силсила” дур они номи.
Рубоиёт шарҳини қўшубон,
Қилибтур яхиш манзур ул-аноми.
Худое, қил анга лутфунг фаровон,
Суюнсун руҳи Саъдию Низомий.
Чу Мискин они таърихига деди,
Ки “Назм ус-силсила” - девони Жомий⁵⁷.*

Сайидахмад Васлийнинг “Назму-с-силсила” асари ҳақидаги маълумот ана шулардан иборат. Аммо ушбу мулоҳаза ва таҳлилнинг ўзиёқ асарнинг илмий ва бадиий қиммати, тарихий аҳамияти хусусида жиддий эътиборга лойиқ маълумот беради. Ҳозиргача адабиётшуносликда XIX аср охири ва XX аср бошларида шу асар услуби ва ғоявий йўналишидаги бирор адабий–бадиий ёхуд тарихий, илмий манба учрагани йўқ ёки номаълум бўлиб қолмоқда. Шундай экан, “Назму-с-силсила” нақшбандия - хожагон тариқатини, унинг XX аср бошларидаги ривожини ўрганишда қимматли илмий-адабий манбадир.

1. Васлий Самарқандийнинг иккала девонида ҳам ирфоний-тасаввуфий ғоялар сингдирилган шеърлар анча. У гоҳ ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд, гоҳ

⁵⁷ Васлий Самарқандий. Назмус-силсила.- Тошкент: Ғофур Ҳасан матбааси, 1913.- 108 бет.

Хожа Ахрори Вали, гоҳ ўз пирлари Эшони Валихон ва ул зотнинг ўғли Муҳиддинхон Ургутийга атаб ёзган шеърларида алоҳида бир муҳаббат билан калам тебратади, бу бузургворларнинг Марказий Осиёда илоҳий билимларни тарқатиш, халқни маърифатли қилиш учун қилган ишларини намуна қилиб кўрсатади. Васлий нафақат тариқатга мансублигидан ғурурланади, балки ирфоний илмларнинг катта билимдони эканини ҳам намоён этган. Бу, айниқса, унинг “Назму-с-силсила” асарида ёрқин намоён бўлган.

2. “Назму-с-силсила” асари бутун Туронзамин, хусусан, Мовароуннаҳрда яшаб, фаолият олиб борган чуқур илм–маърифатли, юксак ахлоқ ва улуғ мартабали етук инсонларнинг пир-муридлик (устоз-шогирдлик) узвлари, тариқатда ворисийлик анъаналари хусусида кенг ва аниқ маълумот беради. Шу нуқтаи назардан бу асар давр ирфоний адабиётида ўзига хос мавқега эга асар, деб ҳисоблаймиз.

3. Асарда силсилаи шарифнинг Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан кейинги халқлари ҳақида янги ва аниқ тарихий маълумотлар бериладиги, бу унинг илмий аҳамиятини оширади.

4. Асар адабий ва илмий манбалар, адабиётшунослик ва тарих фанлари соҳасидаги айрим тадқиқотларда йўл-йўлакай ва қисман маълумотлар бериб кетилган Ҳазрати Эшони Шайх Валихон Ургутий ва у кишининг фарзанди солиҳлари Хожа Муҳиддинхон Эшон ҳақларида мукамал маълумотлар бериладиги, бу бевосита табарруқ заминимизда яшаб фаолият кўрсатган икки аллома бобокалонларимизнинг бугунги авлод нигоҳида кашф этилишларига сабаб ва восита бўлади. Асарда улуғ алломаларнинг сиймолари маърифат, илм, адолат, ватанпарварлик, фидойилик тимсоли сифатида талқин этилиб, шу билан бирга, шоирнинг фалсафий қарашлари бадиийлаштирилади.

Хуллас, шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, “Назму-с-силсила” тасаввуф тарихи, қадимий ва жаҳоншумул илму маърифатимиз ҳақида муҳим маълумот берувчи ўзига хос типдаги асардир. Зеро, унда бадиий бўёқларда тасвирланган тарихий сиймолар маънавият пешволари, руҳий мураббийларимиз бўлиб келган тасаввуф вакиллари, хусусан, нақшбандия

шайхлари тарихимизнинг ажралмас қисми эканликларини таъкидлаш ва уларнинг ҳаётини ўрганиш миллий мафкурамиз асосларини яратаётган ҳалқимиз учун муҳим сабоқ бўлишига имонимиз комил. Ана шу нуқтаи назардан ҳам, “Назму-с-силсила” асари адабий меросимиз ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди. Қисқача хулоса сифатида шуни кайд этмоқчимизки, Васлий Самарқандийнинг адабий мероси ранг-баранг ва бойдир. Бу нафақат жанр ва адабий усуллар хилма-хиллигида, балки мазмун-маъно ва ғояларнинг турли-туманлигида ҳам кўзга ташланади. Васлийнинг ҳар икки девони ҳам ўз даврида ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олингани, баҳс-мунозарага сабаб бўлганини кўрдик. Шоир, аввало, миллатсевар, жонкуяр бир ижодкор шахс сифатида ўз даврининг илғор зиёлилари билан ҳамқадам бўлди, халқни маърифатга, илм олишга, уйғонишга чақирди. Мактаб-мадрасалар ишини қайта қуриш, ислоҳ қилишга чорлади. Ғафлатда ётган халқни кўрашга чорлади.

Ушбу боб бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Васлий қалами ўткир публицист ҳам эди.
2. Унинг мақолалари асосан ижтимоий-маърифий характерга эга бўлиб, ўз даври воқеа-ҳодисаларига жавоб тарзида ёзилган эди.
3. Васлийнинг айрим замондошлари у томонидан яратилган шеърий асарларини иккига – “ишқий” ва “миллий”га ажратиб, “ишқий” шеърга, хусусан, унинг кўринишларидан бири мувашшаҳчиликни киритган эди.

ХУЛОСА

Ҳар бир ёзувчи ёки шоир ўз даврининг фарзанди ҳисобланади ва давр муаммолари унинг ижодида из қолдиради. Айни вақтда ижодкорнинг шахсияти, дунёқараши, ғоялари даврга таъсир этади. Адабиёт ҳамма вақт халқнинг қалб кўзгуси, орзу-армонларининг ифодачиси бўлган. Айниқса, XIX аср охирига келиб, бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Янги давр оммани уйғотиш, қоқоқлик ва жаҳолатга қарши кураш даври бўлди. Бунда матбуот, журналистика, айниқса, пешқадам адиблар, зиёлилар фаоллик кўрсатдилар. Чор Россиясининг мустамлака ўлкалари - Қрим, Татаристон, Озарбайжон ва Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати авж олди. Туркистон ўлкасининг Тошкент, Самарқанд, Қўқон шаҳарлари бу ҳаракатнинг марказларига айланди. Турли адабий услуб, ижодий салоҳиятга эга шоир ва ёзувчилар етишиб чиқдилар ва халқни, миллатни уйғотувчи шеър дустонлар, оташин мақолалар, сахна асарлари яратдилар. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон янги адабиётнинг асосчилари сифатида ном қозондилар. Айни вақтда мумтоз адабий анъаналарни даврга хизмат қилдирувчи қатор шоирлар ижод қилганлар. Шулардан бири Сайидахмад Васлий Самарқандий эди. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари Самарқанд адабий муҳитининг номдор вакилларида бири Сайидахмад Васлий Самарқандий нафақат бу йирик минтақа, балки бутун Туркистон адабий ҳаётида юз бераётган янгиланишлар, зиддиятчи ўзгаришлар, турли миллат вакиллариининг ўзаро адабий алоқалари ривожланган бир даврда яшади ва ижод этди. Ўлкада жорий бўлган сиёсий тузум ва янги - мустамлакачилик шароити давлат ҳамда жамият тараққиёти учун қайғурган барча зиёлилар ижоди ва фаолиятига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Адабиётнинг қайси жанрида ижод қилмасин, бу давр ижодкори сиёсий ва ижтимоий ҳаёт муаммоларига, маданият, санъат, маориф масалаларига ўз муносабатини билдирмай тура олмади. Бу давр адабиётининг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборат эдики, ҳар бир шоир ва ёзувчи ижоди зиддиятлардан, давр янгиликларини баъзан қабул қилиш, баъзан рад этиш ҳодисаларидан холи бўлмади. Абдулла Авлоний,

Сайидахмад Ажзий, Мирмуҳсин Фикрий, Иброҳим Журъат, Камий, Хислат, Тавалло, Мискин, Шойиқ каби Сайидахмад Васлий ҳам ўз даври адабиётининг турли жанрларида икки тилда ижод қилди, мумтоз адабиёт анъаналарини янги шароитда давом эттирди; адабиётда халқчиллик, ватанпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларини илгари суриб асарлар яратди. Сайидахмад Васлий ўз даври адабий муҳити вакиллари билан яқин ижодий алоқада бўлди. Унинг ўзбек ва тожик тилларида тартиб берган икки девони, маснавийси, маноқиби, таржима асарлари шоир ижодининг муайян ғоявий ва бадиий-эстетик тамойилларга эга бўлганлиги ҳақида тасаввур уйғотади. Васлий асарларининг адабий жанрлар бўйича махсус амалга оширилган таҳлили қуйидаги якуний хулосаларни чиқаришга асос беради:

Сайидахмад Васлий Самарқандий Марказий Осиё халқлари учун «уйғониш даври» ҳисобланмиш мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитда яшаб ижод қилди ва ўз даври ғояларини акс эттирган адабий мерос қолдирди.

Васлий Самарқандий ўз даври маърифатпарварлари билан яқин алоқада бўлди, улар ижодига ҳамоҳанг ижод қилди. Бироқ, бу маърифатпарварлардан фарқли равишда, ислом аҳкомларини тинмай тарғиб қилиб асарлар ёзди. Шу жиҳатдан, Васлий Самарқандий бугунги давр кишиси кўз ўнгида ислом илми ва маданиятининг янги давр куйчисига айланишни истаган маърифатпарвар шахс тимсолида намоён бўлади. Васлий назарида ислом миллий-маънавий қадрият ва ўзига хос илмдир. У пок ахлоқни ҳимоя қилади, инсонийлик жавҳарини сақлашга ёрдам беради. Маълумки, жадидларнинг бир қисми динни қолоқлик белгиси, тараққиётга тўсиқ, деб қараганлар. Васлий бунга рози эмас, унинг фикрича, миллий мустақиллик амалга ошираётган маърифатпарварлик ҳаракати ислом дини билан, демак, халқнинг кўп асрлик анъаналари, миллий удумлари билан уйғун давом этиши маъқул. Давр матбуотида Васлий асарлари, мақолалари юзасидан олиб борилган баҳс-мунозаралар унинг изланувчан, куюнчак, миллатсевар, ватанпарвар ижодкор эканлигидан далолат беради. Бу хислат шоир ижодида кенг кўламда намоён бўлади: у ишқ-муҳаббатни, гўзал ёр жамолини васф этиш, мактаб ислоҳоти

каби турли-туман мавзуларда ижод қилди. Васлий Самарқандий ижодиёти замонаси ва даври хусусиятлари билан изоҳланиши лозим бўлган айрим мураккаблик ва қарама-қаршиликлардан холи бўлмаса-да, у ўзига хос бадиий жихатлари, маърифий–тарбиявий аҳамияти, тарихий қиммати билан халқчиллик ғояларини баралла тарғиб этди. Шоир ўзи яшаган даврда шоён бўлган бадиий адабиётнинг катта ва кичик барча фаол лирик жанрларида асарлар яратди, баъзи жанрларнинг имкониятларини кенгайтди, янги бадиий усуллар қўллади. У ўз девонларида замона кишисини қизиқтирган ва ўша давр ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва маиший ҳаёти учун долзарб бўлган мавзулардаги асарларни жойлаштирди, асарлари замондошлари томонидан юқори баҳоланди. Васлийнинг бадиий маҳорати, айниқса, анъанавий жанр ва усулларда ёрқин намоён бўлиб, шеърлари газета-журналлар орқали ҳам кенг тарқалган. Васлий Самарқандийнинг етук олим ва дилбар шоир, тараққийпарвар сиёсий муҳаррир, маърифатпарвар ислом уламеси, оташин ватанпарвар ва миллат ҳимоячиси, ўз дастури, тақлиф ва мулоҳазалари билан ўқитиш ишларини тартибга солиш ниятида бўлган маориф жонкуяри, жамиятда ҳаё ва шарқона маданият ҳукм суриши тарафдори бўлиб кўзга ташланади. Шоир ижодининг муҳим йўналишларидан бири бу унинг тасаввуфий-ирфоний ғояларга рағбатидир. У ўз девонларида нақшбандия-хожагон тариқати шайхларини васф этди, уларнинг образларини яратди. Айниқса, “Назму-с-силсила” асарида нақшбандия силсиласини шеърӣ йўлда баён этиш асносида кўпгина илоҳӣ-маърифӣ ғоялар, фалсафӣ фикрларни баён этган. Унинг тариқат аҳлига муҳаббати бўртиб намоён бўлади. Шоир назарида тасаввуф инсонни юксалтирувчи, комилликка элтувчи йўлдир. Аслида бу ҳам Васлийнинг ислом динига ижобӣ муносабати, тараққийпарварликни миллий ғоялар заминида ривожлантириш лозимлиги ҳақидаги қарашларининг маҳсулидир.

Васлий Самарқандий рус тилининг давлат тили сифатида қўлланаётганига рози эмас эди. Тадқиқотимиз шуни кўрсатадики, у маҳаллий халқ тили – туркий тилнинг мавқеини кўтариш учун курашган, тилни

миллатнинг ўзлигини белгилайдиган омил деб қараган. Шу маънода у тақлидчиликка ҳам қарши чиқади: зеро, Васлий яшаган даврда рус, озарбойжон, татар тилидаги матбуот, адабиёт кенг тарқалган, айрим зиёлилар татар муаллимлари таъсирида тилимизга татарча сўзларни олиб кирганлар. Васлий, гарчи ўзи ҳам айрим шеърларида қисман шу таъсирга берилган бўлса-да, аммо бу ҳодисанинг оммавий тус олишига қарши чиқади. Бу ҳам Васлий публицистикасининг муҳим жиҳатидир. Сайидахмад Васлийнинг ижодида бардамлик, кўтаринки руҳ ҳукмрон. У баъзан замонасининг колоқлиги, жаҳолату илмсизликдан нолиса ҳам, лекин асарларини оптимистик кайфият билан якунлайди, миллат келажагининг порлоқлигига умиди катта эканини билдириб ўтади. Васлий шахсияти ўзида қадимдан давом этиб келаётган миллий ва диний-маърифий руҳни гавдалантирганидек, асарларида ҳам шу хислатлар жамланган. У гўё ўтмиш билан янги давр орасида кўприкдай кўзга ташланади, асарларида баъзан чуқур лиризм, романтик туйғулар, баъзан насихат оҳанги, баъзан аччиқ танқидни ўз ичига олган реалистик тасвир бўртиб намоён бўлади. Албатта, Васлий танқидлари кескин сатира тусини олган эмас, лекин ўз замони иллатларини рўйрост айтиб, салбий муносабат билдиришнинг ўзи ҳам муҳим қадам эди. У илмсизлик, жаҳолат ва саводсизлик оқибатлари, умрини кайфу сафо билан ўтказувчи кимсаларнинг қиёфасини чизар экан, буни замона, давр кишиларининг умумий илллати сифатида қоралайди ва бундан қутулишга даъват этади. Демак, шоир тараққийпарварлик, ислоҳотга даъват ғояларини гоҳ даврни танқид қилиш, гоҳ илм шарофатини кўрсатиш, гоҳ мактаби, устози, китобини севувчи бола образини яратиш, гоҳ публицистик мунозаралар орқали ифодалаган. Васлий сиёсий таназзул, ижтимоий беқарорлик, маънавий-маърифий соҳаларда кескин зиддиятлар ҳукм сурган бир даврда яшади. Табиийки, бу унинг ижодига ҳам таъсир этди. Лекин бу унинг ўз даврининг фаол иштирокчиси бўлишига тўсқинлик қилмади. У асарлари халққа манзур бўлаётгани, одамлар қалбига таъсир этаётганидан хурсанд бўлиб яшади ва ватан тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Сиёсий адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.
2. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 32 б.
3. Каримов И. А. Миллий истиқлол мафкуриси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 32 б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият. 2008.

II. Адабий манбалар:

5. Васлий Самарқандий. Армуғони дўстон. – Самарқанд: Демуров матбааси, 1909. – 210 б.
6. Васлий Самарқандий. Адабод-дин. – Тошкент: Ильин матбааси, 1910. – 24 б.
7. Васлий Самарқандий. Тухфатул-аҳбоб. – Тошкент: Порцев матбааси, 1913. – 132 б.
8. Васлий Самарқандий. Назмус-силсила. – Тошкент: Гулом Ҳасан матбааси, 1913. – 108 б.
9. Васлий Самарқандий. Нафъ ут-толиб. – Тошкент, 1912. – 55 б.
11. Васлий Самарқандий. Таълим ва билдирмоқнинг фойдалув ўлмоғи. – Тошкент, 1914. – 49 б.
10. Васлий Самарқандий. Имоми Аъзам ҳаёти ҳақида қимматли сўзлар (Ал-Калом ул-афхам фий маноқиб ил-Имом ил-Аъзам). Нашрга тайёрловчи Маҳмуд Умар, Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Фан, 1991. – 64 б.
11. Васлий Самарқандий. Жавоб ба Васлий афанди аз Кўлоби Бухорои аз тарафи шоири муҳтарам Мир Сарвар афанди Самарқандий. //Ойна. 1913. – №4. – Б. 96.
12. Васлий Самарқандий. Такаббух // Ойна. 1913. – №5. – Б. 125.

13. Васлий Самарқандий. Танбеҳ ва баёни воқис // Ойна. 1913. – №1. – Б. 9-
14. Васлий Самарқандий. Тарихи рихлат жаноби Мирзо Исмоилбек // Ойна. 1914. – №52. – Б. 1255.
15. Васлий Самарқандий. Бетарафони сухан // Ойна. 1914. – №48. – Б. 1158-1159.
16. Васлий Самарқандий. Забҳ масаласи думада // Ойна. 1914. – №24. – Б. 368-369.
17. Васлий Самарқандий. Ташаккур ба хусули неъмат тоза // Ойна. 1914. – №49. – Б. 1183.
18. Васлий Самарқандий. Жавоб // Ойна. 1915. – №7. – Б. 156-157.
19. Васлий Самарқандий. Илмнинг шарофати ва кераклиги // Ал-Ислоҳ. 1915. – №9. – Б. 286-287.
20. Васлий Самарқандий. Ҳиммате ар-Рижол тақое ул-жабал // Ал-Ислоҳ. 1915. – №13. – Б. 392-394.
21. Васлий Самарқандий. Ислоҳи тадрис ҳақида // Ал-Ислоҳ. 1915. – №17. – Б. 514-516.
22. Васлий Самарқандий. Тасаттири нисвон ҳақида // Ал-Ислоҳ. 1915. – №18. – Б. 546-549.
23. Васлий Самарқандий. Ан-Насҳ ал-Аъзам ва-л-ваъз // Ал-Ислоҳ. 1915. – №22. – Б. 487-488.
24. Васлий Самарқандий. Самарқанд рус-тузем мактаби // Туркистон вилоятининг газети. 1904. – №35. – Б. 7.
25. Васлий Самарқандий. Тарихи мансаби қози шамс ул-уламои бадр ул- фузало сиёдат у шарофат паноҳ Исо домла Хожа Мирширин хожа ўғли мударриси мадрасаи Шердор // Туркистон вилоятининг газети. 1903. – №43.
26. Васлий Самарқандий. Стихи из Самарканда // Туркистон вилоятининг газети. 1903. – №16.
27. Беҳбудий Маҳмудхўжа. Самарқанд фузалолари // Туркистон вилоятининг газети. 1908. – №33.

28. Васлий Самарқандий. Стихи. Васлий жанобининг фарзандига қилган насихати. Илм ва одоб хусусида // Туркистон вилоятининг газети. 1913. – №83.
29. Васлий Самарқандий. Янги асарлар // Туркистон вилоятининг газети. 1908. – №24.
30. Васлий Самарқандий. Шеърлар. «Тухфатул-аҳбоб» тўпламидан олинган шарҳи // Туркистон вилоятининг газети. 1913. – №74.
31. Васлий Самарқандий. Шукрона ва табрик // Садои Фарғона. 1914. – №5.
32. Васлий Самарқандий. Жарида ва усули жаид // Садои Фарғона. 1914. – №80.
33. Васлий Самарқандий. Маданият//Садои Фарғона. 1914.– №86.– Б. 2.
34. Васлий Самарқандий. Асоси исломият // Садои Фарғона. 1914. – №63. – Б. 1-2.
35. Васлий Самарқандий. Шеър // Садои Фарғона. 1914. – №69.
36. Васлий Самарқандий. Шариати Исломия // Садои Фарғона. 1914. – №83.
37. Васлий Самарқандий. Иттиҳод ва инсоф. // Садои Фарғона. 1914. – №94.
38. Васлий Самарқандий. Ҳақсиз ҳужум // Садои Фарғона. 1914. – №96.
39. Васлий Самарқандий. Мударрис Сайидахмад Васлий асарларидан. «Наъф ут-толиб шарҳи қофия Ибн ал-Ҳожиб» тошбосмасида яхши хат ила қофия атрофида ёзилиб, тайёр бўлиб нашр топди. Орқасида «Авомил маъа таркиб ва Муъиззи маъ-ал-илал» бордур. Аҳли илм учун кўб кераклик китобдур. Бир донаси бир сўм йигирма тийин // Садои Фарғона. 1914. – №72.
40. Васлий Самарқандий. Ташаккур // Садои Туркистон. 1914 –№5. 2-б.
41. Васлий Самарқандий. Гулшани адаб. Намунаи назм иборат аз панж жилд.(Тарт: Афсаҳсод А., Сулаймонова Л., Дадалишоев Ж. Ва дигарон... Мухаррир Киром Қ.). – Душанбе: Ирфон, 1980. – 464 с. (ж.V. – С. 417-423).

42. Асар: Ашъори Шарифжон Махдум Садри Зиё. Ба кўшиши Муҳаммаджон Шакурий Бухороий. – Техрон: Суруш, 1380 хижрий. С.141.

43. Девони Мирзо Ҳодий. – Самарқанд, 1331. – С. 190.

III. Илмий адабиётлар:

44. Абдуллаев В. Танланган асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Фан, 2002. – 248 б.

45. Алишер Навоий асарлари тилининг изохли луғати, тўрт томлик (I, II, III, IV томлар). Фозилов Э.И. таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1983, 1984, 1985. – 656; – 644; – 624; – 636 б.

46. Адабиёт. Китоби дарсий барои хонандагони синфи 11-уми мактабҳои таълими умумий. – Тошканд: Ўзбекистон, 2005. – 368 с.

47. Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид) уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Тошкент: Фан, 1992. – 247 б.

48. Бозоров О., Худойкулов А. Ахлоқий қадриятлар ва ислом. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. – 64 б.

49. Болтабоев Ҳ. Қатағон қилинган илм.–Тошкент: Хазина, 1996.–120 б.

50. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик (Илмий тадқиқий мақолалар). – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. – 287 б.

51. Буюк сиймолар, алломалар (Марказий Осиёдаги машҳур мутафаккир ва донишмандлар, II китоб.). – Тошкент: Халқ мероси, 1996. – 118 б.

52. Валихўжаев Б. Хожа Аҳрори Вали. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. – 130 б.

53. Валихўжаев Б. Самарқандда олий таълим - мадрасайи олия - университет тарихидан лавҳалар. – Самарқанд: Халқ мероси, 2001. – 183 б.

54. Гулмуродзода П. Маорифпарварони тожик ва матбуот (Журналистика ва жомеа). – Душанбе: Эжод, 1999. – 59 с.

55. Додобоев М. Андешаҳои маорифпарварии Ажзии Самарқандӣ. // Масъалаҳои муҳими забон ва адабиёти тоҷик. Мажмӯаи мақолаҳои илмӣ. – Самарқанд: ДДС, 2009. – С. 21-24.
56. Жалолов А. XIX аср охири XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1991. – 154 б.
57. Ибрат. Танланган асарлар (Ибрат. Сидқий Ажзий. Сўфизода) / Тўпловчи, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва луғат муаллифлари: Б.Қосимов, С. Аҳмедов, У.Долимов. Таҳрир хайъати О.Шарофиддинов ва бошқ. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 239 б.
58. Ингеборг Балдауф. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 70 б.
59. Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи. Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев). – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 400 б.
60. Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг «янги шаҳар» қисми тарихи. – Тошкент: Фан ва технология, 2004. – 140 б.
61. История всемирной литературы. В девяти томах, том седьмой. Редакционная коллегия тома И.А.Бернштейн и друг. – Москва: Наука, 1991. – 830 с.
62. История Самарканда. Том первый. – Ташкент: Фан, 1969. – 484 с.
63. История узбекской литературы. В 2-х томах. Том 2. – Ташкент: Фан, 1989. – 473 с.
64. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти.–Тошкент: Фан, 1993.–96 б.
65. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 533 б.
66. Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – 320 б.
67. Каримов Ғ. Маърифат фидойиси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – 207 б.

68. Керимов Г. Шариат и его социальная сущность. – Москва: Наука, 1978. – 223 с.
69. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 270 б.
70. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 204 б.
71. Мажидий Р. Истеъдод ва бурч. Адабий-танқидий мақолалар. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974 – 330 б.
72. Махмудов Ғ. Жаҳид адабиётида миллий истиқлол мавзуи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 112 б.
73. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти (Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш., Аҳмедов С.). – Тошкент: Маънавият, 2004. – 462 б.
74. Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 241 б.
75. Муртазо Мударрис Гелонӣ. Ахлоқи Ғаззолий ё калиди маърифат. – Душанбе: Сарват, 1992. – 76 с.
76. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат (Абдуллаев М. ва бошқ.). – Тошкент: Шарқ, 2006. – 528 б.
77. Муҳаммад Ғиёсиддин. Ғиёсул-луғот. Иборат аз се жилд. Таҳияи матн бо пешгуфтор, мулхақот, тавзеҳот ва феҳристи Нуоров А. – Душанбе: Адиб, 1987, 1988, 1989. – 480; – 416; – 304 с.
78. Мўминов И.М. Ўзбекистонда XIX аср охири ва XX аср бошларида ижтимоий фалсафий тафаккурининг ривожланиши тарихидан. – Тошкент: Фан, 1959. – 290 б.
79. Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърятининг жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 184 б.
80. Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи (Миллий уйғониш даври). – Самарқанд: СамДУ, 2003. – 238 б.
81. Орзибеков Р. Адабий меросимиз сеҳри. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006. – 344 б.

82. Переписка Ургутского ишана. Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекистан. (Под редакцией проф. А.А.Семёнова, том I). – Ташкент, 1952. – С. 167. Инв.№1820-III.
83. Ражабов М.С. Ислом: жадидия ва инкилоб. – Душанбе: Дониш, 1997. – 242 с.
84. Раҳмонов Ш. Мусаммат, ташаккул ва таҳаввули он. – Душанбе: Дониш, 1987. – 172 с.
85. Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 320 б.
86. Саидов Ҳалим. Маърифат либосидаги озодлик. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 158 б.
87. Салоҳий И. Ноқис Каттакўрғонийнинг ижодий йўли. – СамДУ, 2004. – 126 б.
88. Салоҳий Д. Навоийнинг шеърӣ услуби масалалари. – Тошкент: Фан, 2005. – 206 б.
89. Салоҳий Д. Хуррият ҳарорати. – Тошкент: Фан, 2007. – 112 б.
90. Саматов А. Ўзбек-тожик адабиёти: ўзаро алоқалар ва ўзаро таъсир. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – 64 б.
91. Саъдиев А.С. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 156 б.
92. Саъдиев С. Самарқанд адабий муҳити тарих кўзгусида. – Тошкент: Фан, 2009. – 387 б.
93. Сувонкулов И. Самарқанд қадамжолари. – Самарқанд: Зарафшон, 1998. – 30 б.
94. Сувонкулов И. Тарихий шахс ва маънавият. Маънавий-маърифий мақолалар. Биринчи китоб. – Тошкент: Фан, 2009. – 252 б.
95. Сувонкулов И. Сангзор садолари. Маънавий-маърифий рисоалар. Иккинчи китоб. – Янги аср авлоди, 2009. – 252 б.
96. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб.–Тошкент: Ўзбекистон, 1997.–416 б.
97. Султон И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. – Тошкент: Фан, 1994. – 87 б.

98. Шарқ мумтоз поэтикаси. Биринчи китоб. Манба ва талқинлар (нашр. тайёрловчи, талқин ва шарҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев). – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006. – 430 б.

99. Яхшиликков Ж. Жадидчилик ва Бехбудий. – Тошкент: Фан, 2004. – 188 б.

100. Ўзбек адабиёти тарихи. 4- том. – Тошкент: Фан, 1978. – 442 б.

V. Диссертация ва авторефератлар:

101. Абдусайдов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Филология фанлари доктори. ...дис. автореф. – Тошкент, 2005. – 48 б.

102. Афоқова Н. Ўзбек жадид адабиётида шеърининг шакллар таракқиёти таъминлари: Филология фанлари доктори. ...дис. автореф. – Тошкент, 2005. – 42 б.

103. Долимов У. Жадид мактаблари: уларда она тили ва адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари. Педаг. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент, 2008.

104. Жабборов Н. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Филол. фанлари д-ри дисс. – Тошкент, 2004.

105. Жабборов Н. Фурқат асарларининг қўлёзма манбалари. Филол. фанлари номзоди. дисс. автореф. – Тошкент, 1994.

106. Намозова Н. Ҳожи Муиннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти: Филология фанлари номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2005. – 26 б.

107. Нишонова Г. Ўзбек публицистикасининг шаклланиши ҳамда ривожланишида «Ойина» журналининг ўрни ва аҳамияти: Филология фанлари номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 24 б.

108. Орзибеков Р. Шавқий Каттақўрғоний ва унинг адабий муҳити: Филология фанлари номз. ...дис. – Самарқанд, 1963. – 336 б.

109. Пардаев Қ. Миллий уйғониш даври манбаларида адабий ва публицистик муаммолар талқини («Ал-Ислох» журнаги материаллари асосида): Филология фанлари номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 24 б.

110. Санаев И. Нодим Зиёвуддиний ва унинг замондошлари: Филология фанлари номз. ...дис. автореф. – Самарқанд, 1998. – 28 б.

111. Худойқулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикасининг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари (XIX аср охири – XX аср ўрталари ўзбек матбуоти мисолида): Филология фанлари доктори. ...дис. – Тошкент, 2001. – 315 б.

112. Хўжақулов С. Миллий уйғониш даври тожик адабиётининг жанрий ва услубий хусусиятлари: Филология фанлари номз. ...дис. автореф. – Самарқанд, 2008. – 24 б.

113. Ҳалимов Солиҳ. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Самарқандда ўзбек ва тожик адабиёти тарихидан: Филология фанлари номз. ...дис. – Самарқанд, 1965. – 321 б.

114. Ҳалимова С. «Садои Туркистон» газетаси: йўналиши, тил, услуб ва жанр хусусиятлари (1914-1915): Филология фанлари номз. ...дис. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.

VI. Газета ва журналлар:

115. Азизова С. Жади́д маърифатпарварлиги – ижтимоий – маданий ҳодиса // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент: Университет, 2006. – Б. 83–86.

116. проф. Жабборов Н. Фурқат ва миллий уйғониш // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 1988. №4. – Б. 31-33.

117. Жади́дчилик: ислохот, янгилаш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш: Туркистон ва Бухоро жади́дчилиги тарихига янги чизгилар. Даврий тўплам №1. – Тошкент: Университет, 1999. – 218 б.

118. Жалолов А. Жади́д адабиётида миллий озодлик ва истиқлол ғоялари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. №4. – Б. 16-23.

119. Каримов Н. Икки халқ адиби // Ўзбек адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2009 йил 9-октябрь.